

**Басандабону Жалилова, Шукур Жабборов**

## **ЭКОЛОГИЯ: КЕЧА ВА БУГУН**

**МАJBURIY  
BEPUL NUSXA**

**Тошкент – 2012**

УДК: 574(575.1)

КБК: 20.1 - Экология  
Ж 21

Басандабону Жалилова, Шукур  
Жабборов.

Ж 21 “Экология: кеча ва бугун” – Т.: “Сано-  
стандарт” нашриёти. – 92 б.

ISBN 978-9943-396-70-8

УДК: 574(575.1)

КБК: 20.1

Тақризчилар:  
*Абдулла Бегматов,*  
*фалсафа фанлари доктори, профессор,*  
*Ваҳоб Кўчқоров,*  
*сиёсий фанлар доктори.*

Мазкур китоб муаллифларнинг илмий текширувлари ва  
мустақил тадқиқотлари асосида яратилган бўлиб, унда бугунги  
глобаллашув давридаги экологик муаммолар ва атроф мухитни  
муҳофаза қилишга оид энг долзарб масалалар таҳлил этилган.

Китоб соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар ва кенг китоб-  
хонлар оммаси учун мўлжалланган.

41233  
10/2d,

ISBN 978-9943-396-70-8  
Publisher Navoiy  
2013/20  
#5657  
nashidagi  
O'zbekiston MK

© “Сано-стандарт” нашриёти, 2012

## ЭКОЛОГИЯ НИМА?

*Табиат ва инсон ўзаро муайян муносабатда бўлади. Бу муносабатларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.*

**Ислом КАРИМОВ**

Сўз аввалида фан сифатида экологияга умумий таъриф бериб ўтамиз. Зоро, унга боғлиқ масалаларни кўтаришда аниқлик лозим. Экология (юонча Oikos - яшаш жойи, макон, Logos - таълимот) – тирик организмларнинг ўраб турган тирик ва нотирик табиат билан муносабатлари тизимида антропотехнологен омил ролини ўрганувчи фан. “Экология” иборасини машҳур немис зоологи Эрнест Геккель (1834-1919) ўзининг “Организмларнинг умумий морфологияси” (1866) ва “Дунё яратилишининг табиий тарихи” (1868) асарларида биринчи бўлиб фанга киритган. Табиатни табиат учун муҳофаза килишга зарурият йўқ. Унинг факат инсон учун муҳофаза килиниши экологиянинг ижтимоий моҳиятини намоён қиласди. Экологиянинг йўналишлари кўп: умумий экология, био экология, зоо экология, гео экология, тиббий экология, муҳандислик экологияси, инсон экологияси, хусусий экология, шунингдек, онг шаклларининг экологиялашув тенденцияси кучайиб, иктисадий экология, экзоэтика, экоэстетика пайдо бўлди. Айни пайтда экотехнология, экологик ҳукук, экологик сиёsat ва ҳоказо йўналишлар ҳам вужудга келмоқда.

Табиий атроф муҳитни муҳофаза килишнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатларини жаҳон цивилизацияси манбаатлари асосида муштарак-мужассам ўрганувчи фалсафий фан ижтимоий экологиядир. Ҳозир ижтимоий экология ўзининг ривожланиш боскичига кирган бўлиб, у нафақат инсонни ўраб турган табиатни, балки ижтимоий муҳитни муҳофаза килишнинг фундаментал назарияларини ҳам ишлаб чиқмоқда. десак муболага бўлмайди. “Экология” сўзини қўллашда ҳам турли меъёрларга амал килинади. Бир қарашда “экологик муаммо” деган сўз эриш туюлади. Чунки, экология ўз номи билан атроф

мухитни ўрганувчи фан. Шунинг учун мазкур сўзни қўллаганда “атроф-мухитни ўрганувчи фан муаммоси” каби мужмал атама вужудга келади. Лекин “логос-таълимот” тушунчаси билан келадиган “эко”ни тўғри тушунишимиз керак. Шундай экан, “экологик муаммо” иборасини бемалол қўлласа бўлаверади. Чунки бундан бошқа иборани ишлатиш қулайлик бермайди.

Экология – организмларнинг бир-бири билан яшаш шароити, уларнинг муносабатини ўрганувчи фан бўлибгина колмай утирик табиатнинг сақлаб қолиш мақсадида ўрганилувчи предметдир.

Технологиянинг ривожланиши натижасида табиий жараёнларга таъсир кучайди, инсон манфаатларига мос равишда, табиий муҳит унсурлари сунъий муҳит билан алмаштирилди. Бундай техникавий ёндашув табиатни инсон ўз иродасига бўйсундиради, деган антропоцентрик қарашга асосланган. XX аср охирига келиб, инсон томонидан яратилган сунъий техносфера Ер биосфераси билан тенглашди. Бунда сунъий техномасса табиий биомассадан ошиб кетди. Ҳозирги замон оламшумул муаммолари ва янги ижтимоий-маданий детерминациялар, анъанавий экологик воқеликни акс эттирувчи парадигмаларни тубдан ўзгартириб юборди.

XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик муаммоси янада кескинлашди ва уни ҳал килишнинг янги парадигмаларини яратишга эҳтиёж туғилди. Бу парадигмалар замонавий цивилизация асосларини ифодалаб, инсонпарварлик рухи билан сугорилган. Булар «оламшумуллик» хисси (А. Печчей), ««витал қадрият» (Орtega-и-Гассет), «барқарор ривожланиш» концепцияси ва бошқалардир.

Минг йиллар давомида эволюция натижасида, жонли табиатда динамик мувозанатдаги тизим – биосфера юзага келди. Инсон амалий саноат ва ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан унинг табиий муҳитда содир бўлган, истеъмолчиликнинг фаол таъсир этиш микёсининг кенгайиши оқибатида, биосферага путур етказилди, табиий жараёнлар мувозанати бузилди (сув ва ҳаво муҳитининг, ер катламининг заҳарланиши, ўрмонларнинг камайиши, чўлларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар). Буларнинг барчаси табиатга оқилона таъсир этиши чегараларини аниглаш вазифасини экология олдига кўндаланг кўяди. зеро унинг,

мувозанатли тизим сифатида яшаши инсониятнинг яшаш шароитининг табий негизини ташкил қиласи.

Экология фан сифатида, ташки мұхиттега таъсирнинг шундай услубларини қидириши ва тавсия этиши керакки, улар нафақат ҳалокатли оқибатларнинг олдини олишни, балки, Ер юзида инсон ҳәётини ва ижтимоий ривожланиш шароитини жицдий яхшилаш имкониятини яратиб беришни ҳам назарда тутиши керак бўлади.

## ЭКОЛОГИЯ – ГЛОБАЛ МУАММО

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кечәёттап глобаллашув жараёнлари иқтисод, сиёsat, маданият, маънавият, экология соҳаларини қамраб олиб, уларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Унинг ижобий томонлари билан биргаликда, у ёки бу мамлакат ҳәётида салбий оқибатлари ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари асосан, қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда: экология, соғлиқни сақлаш, демографик ресурслар, ахлоқ, оила, таълим-тарбия, маънавий дунёкараш ва бошқалар шулар жумласидандир. Хусусан, экологик муаммо сабабли ёндош касалликларнинг юзага келиши, инсоннинг умумий саломатлигига путур етиши, ҳаёт даражасининг пасайиши кузатилмоқда.

Экология турли янги фанлар тармоғида ҳам ўрганилмоқда. Шунингдек, синергетика мукаммал ижтимоий тизимларнинг эволюцион йўллари, услублари ҳамда тўхтаб қолиш сабабларини экология, иқтисод ва бошқа соҳалар жиҳатидан башорат қилишда методологик аҳамият касб этади. Синергетика давлат ва минтақалар коэволюцияси хақида билим бериш имкониятига эга бўлиб, уни зарурат туғилганда экологияни ўрганиш бўйича асосли ҳаракат қилишга ёрдам берадиган йўналиш сифатида ҳам кабул қилиш мумкин.

Ҳосилдор ўсимликларнинг юқори самара берадиган навларини жорий этиш ва уларни йигиштириб олувчи (масалан, пахта териш машиналари) техникаларнинг янги турларини яратиш, сув ва ер ресурсларидан нооқилона фойдаланиш, турли хил дефолиантлар ва пестицидларнинг янги турларини ишлаб чиқиш каби масалалар экологик муаммоларни келтириб чиқараёттанилиги бугун ҳеч кимга сир эмас .

Собиқ Иттифок даврида кўлгина йирик корхоналар ва комплекслар демография ва экологик вазиятни ҳисобга олмай қурилди. Кўп меҳнат талаб киладиган ишлаб чиқаришлар эмас, балки кўп маблағ талаб қиладиган, зарарли чиқиндишлари табиатга кўп чиқариб ташланадиган ишлаб чиқаришлар оқибатида тузатиб бўймас экологик муаммолар юзага келди. Бундай салбий ҳолатлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё бўйича кескин тус олди.

Глобал, яъни умумбашарий муаммо (французча *global-энг умумий*) – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир. Глобал муаммо кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлардаги ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англаради. Глобал муаммо янги жаҳон уруши хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология, Орол муаммоси ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. “Рим клуби” вакиллари: “сайёрада инсоннинг назоратсиз жойлашиши”, “ижтимоий адолатсизлик”, очлик, тўйиб овқатланмаслик, қашшоқлик, ишсизлик, инфляция, хомашё такчилити, саводсизлик, жиноят ва гиёхвандлик, зўравонлик, ҳалқаро терроризм, порахўрлик кабиларни умумбашарий муаммоларнинг кўринишлари деб ҳисобладилар ҳамда уларни ҳал этиш тўғрисида ўз таклифларини бердилар.

Глобал муаммо тизимида экологик хавфсизлик ва атроф мухитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсониятга катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланяпти. Глобал муаммо ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний ахлоқ тамойилларига амал қилишни, ошкораликни, ҳамжиҳатликни, инсон ақл-идроқини эзгу ишларга йўналтиришни, бу асосда инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашга ҳаракат қилишни тақозо этади.

Бу масалаларни узил-кесил ҳал этишда энг аввало экологик маданиятта зътибор қилиш зарур. Экологик маданиятта риоя килмайдиган корхоналар фаолиятини тўхтатиб, ёпиб кўйиш керак бўлади. Мустақилликка эришилгандан сўнг сув ва ҳаво ҳавзаларини булғовчи асосий иншоотларни шаҳарнинг тураржой ҳудудларидан ташқарига олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб бу борада бирмунча ишлар бажарилган. Шўролар тузуми давридаги Чарм-мўйна заводи, собиқ СССР Рангли metallургия вазирлигининг металлга дастлабки ишлов берадиган ва

иккиламчи алюминий эритадиган цехи, айрим автомобиль корхоналари ва базалар тартибга солинди. Табиатни муҳофаза қилувчи, санитария хизматлари шаҳардаги барча корхоналарни экологик жиҳатдан ҳужоатлаштириш, тозалаш иншоотларига, чиқитсиз технологияларга доир мукаммал чора-тадбирларни аниклаш, табиат гўзллигини сақлаш учун саъӣ-ҳаракатлар олиб бориш бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Экология муаммосини ҳал этища жамоатчиликнинг ролини ошириб бориш лозим. Чунки, бундай беларволик оқибатида, нафакат қишлоқ, балки шаҳар аҳолиси ҳам нормал ичимлик суви ва соғ ҳаводан маҳрум бўлиши шубҳасизdir.

## ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Барчага бирдек мақбул бўлган мусаффо ҳаётта интилиш ва табиатни барқарорлаштириш бугунги куннинг энг катта глобал, долзарб масалаларидан биридир. Бугун том маънода экология – инсон мавзуси ҳаёт-мамот масаласига айланган. Агар мавзу кўламини кент микёсда олсак жаҳон бўйича кунига олти миллион тоннага яқин чикинди табиатта чиқади. Ер катламининг бузилиши деярли 2 миллиард гектар ҳудудга ёйилган ва бунинг оқибатида бутун дунё бўйича 1 миллиардга яқин кишининг моддий аҳволи ёмонлашган. Ҳар куни ҳар соатда башариятнинг аксарият кисми, айниска, қишлоқ жойларда сифатли сув манбалари ва оддий санитария шароити йўқлигига дуч келмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда камбағал қишлоқ аҳолисининг маҳсус сув қувури орқали келадиган тоза сувдан баҳраманд бўлиши ғоятда чекланган, шаҳар ҳудудларида эса ундан фойдаланиш юз фоиз даражада. Яна Марказий Осиёда экологик хавф-хатар манбаларидан бири собик Иттифоқ даврида йигилган уран моддасининг ўта хавфли радиактив чикиндилариidir. Булар эса Ўзбекистоннинг Фаргона водийси билан чегарадош бўлган кўшни Киргизистоннинг Мойлисой дарёси якинида сакланади. Яна шундай уран чикиндиси кўмилган жой Наманган вилоятидаги Киргизистон ва Тоҷикистон билан чегарадош бўлган ҳудуд – Чоркесар посёлкасида ҳам мавжуддир. Кейинги вакътларда бу ҳудудлардаги, ўша чиқиндиларнинг қор, ёмғир ва бошқа табиий ҳодисалар туфайли юзага чиқиб (очилиб) колаёттани у ердаги кишилар соглигининг ёмонлашувига анъанавий

касалликлардан фарқланувчи бошнинг сурункали оғриши, бу эса аҳоли миграциясига сабаб бўлаётгани бугун барчага аён ҳақиқатдир. Табиат ҳодисалари ва ураннынг тўсиқ билмас хоссага эга эканлиги бизни бу ҳудудлардаги ноҳуш вазиятни назорат қилишга ундейди. Шунингдек, кўшини Тоҷикистон ҳудудидаги Альюмин заводининг Сурхондарё вилоятининг айрим ҳудудлар об-ҳавосига салбий таъсири ҳам мавжуд. Бу ҳакда қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Бизни бир неча вақтлардан бери қийнаб келаётган Орол денгизи муаммоси ҳам янги тадқикотларга сабаб бўлмоқда. Орол ҳавзасида сўнгти 40 йил мобайнида суғориш ишлари нооқилона олиб борилганлиги қачонлардир материк ичидаги кўллар орасида катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринда бўлган бу денгиз майдонининг қисқаришига олиб келди. Ҳозирги сув ҳажми бошланиш ҳажмининг 15 фоизга камини ташкил этади, шунингдек, денгиз ҳажми саҳни 26 метрга пасайиб кетган. Оқибатда 50.000 квадрат километрдан зиёд ўта шўрланган денгиз туви очилиб қолган<sup>1</sup>. Ушбу экологик бўйрон Орол атрофидаги ҳаёт всосларига путур етазди ҳамда тоза сувнинг сурункали етишмаслиги, респиратор ва буйрак касалликлари ортишига, анемия, генетик заифлашувга, оналар ва болалар саломатлигининг заифлашувига олиб келди. Денгизнинг очилиб қолган юзасида туз ва чанг бўронлари барча набодотни нобуд қилмоқда. Балиқчилик ва овчилик хўжаликларида улкан иктисодий зарар кўрилаётгани қайд этилмоқда, шунингдек, яйловлар унумдорлиги камайиб, экинлар ҳосили ҳам сифат, миқдор жиҳатдан қисқармоқда. Бунинг оқибатида Орол бўйи минтақаларида ҳозир ҳам аҳолининг миграцияси, урбанизацияси кузатилмоқда. Аникроқ қилиб айтганда, кўплаб маҳаллий кишилар яхшироқ турмуш шароити излаб кўчиб кетмоқда. Ҳуқуматимиз Қорақалпогистон кишлоқ аҳоли пунктларида ва бошқа минтақаларда 2003-2005 йилларга мўлжалланган марказлаштирилган сув таъминоти дастурини ҳамда 2003-2009 йилларга мўлжалланган даврда олис ва аҳоли кам яшайдиган қишлоқ аҳоли пунктларини сув таъминотининг муқобил манбалари билан таъминлаш дастурини қабул қилган ва уларни бажариб келмоқда.

Собиқ тузум давридан кўпгина мамлакатлар сингари Ўзбекистонга ҳам натижаси мубҳам, даҳшатли экологик бузилишлар

<sup>1</sup> БМТ МРМ статистик маълумотидан.

мерос көлгөнлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Захарли чиқин-диларни дарё ва күлларга ташлаш, шунингдек, ахлат ташланадиган ва кўмиладиган жойларнинг коникарсиз даражада лойихалаштирилиши бир неча йиллар давомида оддий ҳол бўлиб қолди. Бу эса ҳавони заҳарлантириш учун муқаррар тўлов сифатида қабул килинарди. Кон саноати захира истрофгарчилигига олиб келадиган ва ифлослантирувчи соҳа эди. Ҳали-хануз ёдимизда қишлоқ хўжалигида сув захираларидан самарасиз фойдаланиларди, ҳаддан ташқари кўп микдорда кимёвий моддалар ишлатиларди. Тармоқни (Мирзачўл, Орол бўйи каби) экстенсив ривожлантириш биологик ранг-барангликнинг бузилишига олиб келарди. Интенсив ривожлантириш аграр соҳаларимизга анча ёт эди. Бугунги кунда барқарорлик йўлида янги миллый қонунларнинг яратилиши айни мақсадга мувофиқ келмоқда. Атроф муҳитни химоя қилишни кучайтириш, табиий захиралардан фойдаланишининг бошқарув тизимини яратиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида комплекс сиёsatни ишлаб чиқиши бўйича стратегия яратилганлиги, айникса қувонарли бўлди.

Маълумки, сув билан боғлиқ муаммолар анча долзарб ва мураккабдир. Булар орасида асосийлари сувнинг етишмаслиги, сугорма ерларнинг шўрланиши ҳамда ичимлик сувни сифатининг пасайишида кўзга ташланади. Қишлоқ хўжалиги, шаҳар канализация тизими ва саноат (айникса, кон саноати, металургия, кимё саноати) сувни ифлослантирувчи асосий манбалардир. Мустақилликнинг кўлга киритилиши билан шаҳар ва қишлоқ жойларда сувнинг биологик ифлосланишига ҳамда ҳар-хил касалликлар тарқалишига олиб келадиган саноат оқава сувлари ва канализация суви ҳажмини аста-секин камайтириш мақсадида бир мунча каттиқ назорат ўрнатилди.

Хавфсиз сув леганда бу ичиш ва чўмилиш учун фойдаланиладиган тоза сув назарда тутилади. Бунга тозаланган ер юзаси сувлари ҳам, тозаланмаган лекин ифлосланимаганлари – булок суви, санитария жиҳатидан ҳимояланган бурғуланган қудуклар суви ҳам киради. Шунингдек, сувнинг хавфсизлиги унинг таркибида кимёвий моддалар ва биологик материалларга ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, сув намунаси минераллар ва бактериялар таркиби бўйича миллий стандартларга жавоб берсагина сув ичиш учун хавфсиз ҳисобланади. Хавфсиз ичимлик

сувдан баҳраманд бўлишни таъминлаш мамлакатимизда энг устувор вазифалардандир. Ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг сифатига таъсир қиладиган асосий омиллар – сувни филтрлаш ускуналарининг эскилиги, молиявий қийинчиликлар, қишлоқ ҳудудларидағи инфратузилма камчиликлари, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишининг экологик авфзаликлари тўғрисида кам маълумотга эга эканликларида намоён бўлади. Ҳозир шаҳар ҳамда қишлоқларда сув таъминоти учун молиявий ва техник жавобгарлик маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юқлатилган. Энг ачинарлиси шундаки, айрим жойларда улар инфратузилмани кўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш учун кўпинча маблағга ёки моддий рағбатларга эга бўлмайдилар. Ҳавфсизлик кўрсаткичидаги сувдан ҳамда санитария шароитидан баҳрамандликни кенгайтириш аҳолининг кундалик ҳаёти сифатига тўғридан-тўғри алоқадор бўлиб, булар қашшоқликка қарши кураш борасида қўшимча иқтисодий салоҳиятларни яратади ва шу тарика БМТнинг МРМ (Мингийиллик ривожланиш мақсадлари)нинг барчасига эришилишига ёрдамлашади. Мамлакатимизда санитария шароитидан баҳрамандлик даражаси ичимлик суви таъминоти соҳасидаги тенденциялар билан чамбарчас боғлик. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотларига кўра, шаҳар аҳолисининг 38 фоизи ва қишлоқ аҳолисининг 3–5 фоизигина марказлаштирилган санитария шароитидан баҳраманд бўлмокда. Ҳукуматимиз бу борада экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган қатор стратегик ҳужжатлар қабул қилди. Булар – атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий ҳаракат дастури ҳамда 2000-2010 йилларга мўлжалланган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастури эди. Буларнинг натижаси ўлароқ ўша йиллари чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва уни оқилона бошқариш миллий дастури орқали яхши самараларга эришилганлиги қувонарлидир.

Агар бу борада жаҳон амалиётига мурожаат қилсан, АҚШ, Германия, Швеция каби ривожланган мамлакатларда табиатни муҳофаза қилувчи “Яшилар партия”лари фаолият кўрсатади. Мазкур партия тузилмаси – ўз номига кўра ғояларини сиёсий йўл билан илгари сурувчи институтдир. Демокчимизки, атроф мухитни муҳофаза қилиш ишларида камчиликка йўл қўйилган,

яъни экологик муаммолар кўпайиб кетган вазиятда бизда ҳам “эко” қўмиталарни партия даражасига қўтаришса, айни муддао бўларди. Лекин кейинги йилларда давлатимиз томонидан атроф мухитни муҳофаза килиш бўйича қатор карорлар кабул килиниб ижобий натижаларга эришилди.

Швед гидрологи Мален Фалкенмарк прогнозига кўра, 2015 йилга бориб аҳолиси 4 миллиард кишидан иборат бўлган 54 мамлакат ёки кутилаётган 9,4 миллиард дунё аҳолисининг 40 фоизи сув етишмаслиги натижасида оғир муаммога дуч келади.

Маълумки, сувдан ва санитариядан баҳраманд бўлиш маиший турмуш шароитини анча яхшилайди. Тоза сувдан оқилона фойдаланишин таъминлаш эса камбағалик ва очликни таг-томири билан тутгатиша ёрдамлашиши шубҳасиздир.

Собик тузумдан қолган асорат – қишлоқ хўжалик кимёвий моддалари ҳамда пестицидлардан ноқилона фойдаланиш натижасида уларнинг ҳозир ҳам озик-овқатга сингиши мумкинлиги ташвиш туғдирмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, 1970-1980 йилларда Қорақалпоғистонда бир гектар ерга ишлатиладиган инсектицидлар ва гербицидлар сарфи собик шўролар Иттифоқининг қолган ҳудудларида меъёр бир гектар ерга 5 кг бўлгани ҳолда, бизда ўртача 21 кгни ташкил килган эди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган тадқикот Қорақалпоғистонда энг кўп истеъмол килинадиган озик-овқат маҳсулотларининг бир қанчаси таркибида пестицид ва диоксид колдиги даражаси юкори эканлигини кўрсатади.

Тахлил қилинган, намуналар орасида липид миқдори кўп бўлган кўй ёғи, товук ёғи, тухум, пахта мойида заарланиш даражаси жуда юкори эканлиги маълум бўлди. Бунинг устига яна айрим ҳудудлarda бошқа муаммоларнинг мавжудлиги гоятда ачинарлидир. Ўзбекистоннинг курсоқчи минтақаларида тупроқнинг шўрланганлиги доимо муаммо бўлиб келган. Бирок шўрхоклик ушбу минтақалар билангина чекланмай мазкур экологик ҳодисанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга бўлган таъсири ҳам бутун мамлакат бўйича сезилмоқда. Юртимизда суғорма ерларнинг шўрланниш даражаси 1990 йилдаги 48 фоиздан 2000 йилда 65 фоизга кўпайди. Тупроқнинг шўрланиши биринчи

навбатда ирригация ва ер тузиш – экстенсив ривожланишнинг номувофиқ услублари оқибатидир.

Сугорма ерлар шўрхокланиши ва бузилишининг икки асосий сабаби бор. Биринчи сабаб алмашлаб экиш тажрибасидан фойдаланилмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, бир хил ер участкаларида гўза ва донли экинлар учун фойдаланилади. Иккинчи сабаб, сувдан самарасиз фойдаланилиши, дренаж тизимлари сонининг етарли эмаслиги ҳамда канализация сувларининг дарё ва кўлларга ташланиши оқибатида сугориш тизими ёмон аҳволга солиб қўйилганлиги билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, ўтмишда қишлоқ ҳўжалик кимёвий моддаларининг ҳаддан ташқари аёвсиз, кўп ишлатилганлиги оқибатида тупроқда ифлосланганлик қолдиги борлиги ҳам кузатилмоқда. Кучли шамол, нооқилона сугориш, тоғ ён бағирларига экин экиш, дарёлар бўйидаги дарахтларни кесиб ташлаш (окибатда дарёлар ўзанини ўзгартирадиган қилиб) ва яйловларни пайҳон қилиш каби нохуш ҳолатлар тупроқ эрозиясига олиб келди.

Энди йирик шаҳарларда ҳавонинг ифлосланишига келсақ, бу ҳам мамлакат олдида турган асосий муаммолардан биридир. Мустақиллик йилларида чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддалар ҳажми камайиб бораётганига қарамай, алоҳида моддалар бўйича атмосферанинг ифлосланиш даражаси айрим катта шаҳарларда йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп концентрациядан юкоридир. 2003 йил ҳисоб-китобига кўра атмосферага 2 000 000 тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланди. 1991 йилда эса бу кўрсаткич 3 800 000 тоннага тенг бўлган. 2000 йилда Узбекистонда чиқариб юборилган парник (буғхона) газлари ҳажми 170 миллион тоннани ташкил қилган. 1991 йилда бу рақам 164 миллион тоннадан иборат бўлган. Озонни емирувчи моддалардан фойдаланиш, ҳукумат Монреаль баённомасига мувофиқ кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1991 йилдаги 3,03 тонна ўрнига, 2003 йилда 2,3 тоннагача камайди.

Биологик ранг-барангликнинг қисқариши ҳақида гапирадиган бўлсак, Узбекистоннинг катта қисмини чўл ва даштлар банд қилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шунингдек, тоғ ўрмонлари, ўтлоклар ва баланд тоғли худудлар ҳам мавжуд. Ўрмонлар мамлакат худудининг бор йўғи 5,3 фоизинигина

эгаллайди. Яшаш мухитининг бой берилиши ва уй ҳайвонлари билан рақобат, инсоннинг браконьеरлик фаолияти сингари айрим турлари билан кўшилиб, биологик ранг-барангликдан маҳрумликнинг асосий сабабларига айланди. Ўрмонларни йўқ қилиш, яйловни пайхон қилишнинг кенг тус олиши, шунингдек, янги ҳудудларни дехқончилик учун тозалаш, сувни ифлослантириш ва уни исрофгарчиликка йўл қўйган ҳолда ишлатиш яшаш мухитини бой бериш сабабларидандир. Бу эса, ўз-ўзидан, иқлимини барқарорлаштириш ва намликни сақлаш каби зарурий табиий экологик функцияларнинг йўқотилишига олиб боради. Биологик ранг-баранглик даражаси табиий ерлар, сув хўжалиги тизими ҳолати ва мамлакатда умумий экологик вазиятнинг мухим кўрсаткичи ҳисобланади. Маълумот учун билиш зарурки, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар мавжуд тизимиға тўққизта кўрикхона, иккита миллий боғ ва қатор мувакқат (мавсумий) резерватлар киради. Ҳозирги пайтда 301 ўсимлик ва 184 ҳайвон турлари “Ўзбекистон Қизил китоби”га (1998 ва 2003 йилларда чол этилган) киритилган. “Қизил китоб”нинг аввалти нашрига (1983) 163 ўсимлик ва 63 ҳайвон турлари киритилган эди. Бугунги кунда ушбу китобнинг янги нашри устида иш олиб борилмоқдаки, унга кўра ўсимлик турлари сони 305 тани ташкил қиласи, ҳайвонлар тури сони эса ўзгаришсиз қолади. Буларнинг кўпайиншига атроф мухитнинг мусаффолиги, саноат ва шаҳар чиқиндиларининг камайиши сабаб бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, каттиқ ва суюқ чиқиндилар ҳам бутун бошли жамиятта салбий таъсир кўрсатувчи кескин муаммодир. БМТнинг Европа учун Иктисадий комиссияси маълумотларига мувофиқ, шаҳар каттиқ чиқиндилари аҳоли жон бошига йилига 240 кгни ташкил қиласи. Шаҳар чиқиндиларидан тақрорий фойдаланиш ва уларни кайта ишлаш бўйича корхоналар етарли змас. Ҳозир Ўзбекистонда шаҳар каттиқ чиқиндилари учун тахминан 160 та ахлатхона ва кўмиладиган жой мавжуд бўлиб, баҳоланишига кўра, уларга хар йили 30 миллион куб метр ахлат келтириб ташланади. “Сувгео” Тошкент илмий тадқикот институтининг баҳолашича, ҳар йили чиқадиган 10 миллион тонна саноат чиқиндисининг 1 000 тоннага яқини ўта хавфли (захарлилик бўйича 1 даражали) ҳисобланади. Бирок, “Сувгео” тахминан 32 000 та ишлаб турган саноат

корхоналаридан 500 та йирик корхонагина статистик ҳисобот тақдим эттанини ва уларнинг чиқиндиси мамлакатда чиқарила-диган саноат чиқиндиси умумий ҳажмининг бор йўғи 5 фойизини ташкил этишини таъкидлади. 2002 йилда “Чиқиндиларни бошқариш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганлиги ҳамда унинг кенг ва самарли кўлланилаётганлиги вазиятнинг яхшиланишига олиб келмоқда. Чиқиндини тўглаш, ундан фойдаланиш ва қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида, БМТРД кўмаги билан чиқиндиларни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий дастури ишлаб чиқилганлиги ва ҳозирда мазкур хужжат асосида режали ишлар тузилганлиги ҳам қувонарлидир.

Баҳор ойлари, айниқса Наврӯзи айём арафасида мамлакатимиз бўйлаб тозаликка риоя қилиш ва ободонлаштириш ишларининг кенг миқёсда йўлга қўйилганлиги анъанага айланган. Аммо мутасадди ходимлардан ташқари юртимизда яшовчи фуқароларнинг ҳар бири атроф муҳит муҳофазасида масъулият билан иш юритсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки, биз табиатга қандай муносабатда бўлсак, у ҳам бизга шундай муносабат билдиради. Кексаларимиз “қайтар дунё” деб бежизга айтишмаган.

## ЭКОЛОГИК МАСАЛАДА БИРЛАШАЙЛИК!

Бугунги кунда бутун дунё ҳалқарини ташвишга солиб келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш, ҳалқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги саъй-харакатларини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атмосфера ҳавосини трансчегаравий муҳофаза қилиш умумжаҳон экологик муаммолардан саналиб, 1979 йилда қабул қилинган БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ВИК) “Атмосфера ҳавосининг узоқ масофаларида трансчегаравий ифлосланиши тўғрисида”ги Конвенцияси атмосфера ҳавосининг ифлосланишига қарши кураш борасида ҳамкорликдаги харакатлар учун асос яратди. Мазкур Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш, унинг монтақавий даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда чиқиндиларни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасида саъй-харакатларни

бирлаштиришни таъминловчи асосий халқаро келишувлардан бири ҳисобланади. 1984 йилдан бошлаб то ҳозирги даврга кадар олтингугурт (олтингугурт диоксиди), азот оксидлари, учинчи органик бирикмалар, оғир металлар ва барқарор органик ифлослантирувчи чиқиндилар ҳамда трансчегаравий оқимларнинг кискартирилишига қаратилган саккизта халқаро баённома қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг ҳам ҳавонинг ифлосланишига қарши кураш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш соҳасида ўзига хос стратегияси мавжуд. Давлатимиз 1992 йилнинг 8 февраляда МДҲ давлат бошликлари имзолаган битимга мувофиқ тузилган МДҲ мамлакатлари давлатлараро экология кенгашининг тўлақонли аъзоси сифатида экологик муаммоларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Бироқ, Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар билангина умуммinta-қавий экологик муаммоларни тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун Марказий Осиё давлатларининг барчаси бирдек ҳаракат қилмоғи лозим. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 36 йилдан бўён кўшни Тожикистондаги “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасининг атмосфера ҳавосига зарарли ташланмаларининг таъсири доирасида Сурхондарё вилоятининг бир миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Кумкўрғон туманлари худуди ахолиси эндокрин ва суяк-бўғин тизими, нафас олиш йўллари, туғма ногиронлик, флюороз ва онкологик касалликлар, қон босимининг кўтарилиши, қандли диабет, эрта қариш, тишларнинг тўкилиши, болаларда аклий заифлик касалликларидан борган сари кўпроқ азиат чекмоқдалар. Чунки, бу туманларнинг ахолиси сутканинг 18-19 соати давомида завод мўриларидан тарқалаётган, таркибида инсон саломатлиги учун ҳавфли бўлган фторли, водородли ҳаводан нафас олишга мажбурдирлар. Ахир улар ўз уйлари ва ватанларини ташлаб қаерга ҳам борадилар?!

Алюминий олиш жараёнида фторли водороддан ташкари катта миқдордаги углерод ва олтингугурт оксидлари каби заҳарли газлар ҳам ажралмоқда. 2008-2009 йилларда Термиз шахрида яшовчилар сариқ рангли ёмғир ёққан куни эрталаб кўчаларда олтингугурт рангли сариқ кўллар ҳосил бўлганининг гувоҳи бўлишган. Бу каби заҳарли газлар аҳоли орасида йирингли

бронхит, ўпка шамоллаши, бош айланиши, мигренъ, қон босими-нинг ошиши каби касалликларни келтириб чиқармоқда. Бундай заарарли ташланмалар бўлажак оналар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда уларнинг туғиш даврида экологик муаммолар туфайли юзага келган турли даражадаги асоратлар сабабли чақалоқлар жароҳатланган мия, мия шоли касаллиги, турли хил бел-умуртқа, мия чурраси, юқори ва пастки жағдаги нуқсонлар ҳамда бошқа жароҳатли хасталиклар билан дунёга келмоқда. Бу ҳудудда яшовчи 6 ёшдаги болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижаси мактабгача ёшдаги болаларнинг 36,5 фоизи жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада эканлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари ҳайвонларда ҳам тиш тўкилиш ҳолати юз бермоқда.

Фторли водород ва бошқа заҳарли моддалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида ҳам кўплаб учрамоқда. Бундай заҳарли моддалар 1 килограмм буғдой таркибида 13,2, нўхатда 57,4, картошкада 52,6, сабзида 55,7, сутда 37,2, олмада 57,3 миллиграммни ташкил этмоқда.

Сурхондарё вилоятида мазаси тилда қоладиган Дашибод анорлари, шафтоли ва ўриклар, хурмолар экологик таъсир туфайли йўқолиб бормоқда. Боғ-роғлар бутунлай куриб кетмоқда. Борларининг ҳам мевасини истеъмол қилиш хавфли. Қорамол ва ушок молларнинг тиши тўкилиб, уларнинг сути таркиби ҳам ўзгариб бораётпи.

Сурхондарё вилоятининг иқлими ўта иссиқ бўлиб, баъзан ҳарорат 45- 50-60 даражагача кўтарилади. Маълум бўлишича, фтор бундай ҳароратда фаоллашади. У ўсимлик ва сувда тўпланиб, чорва молларнинг суюгини емиради.

Илгари Сариосиё туманида йилига 400 тоннагача ипак етиштирилар эди. Экотизимнинг бузилиши оқибатида ушбу сердаромад соҳа билан шугулланиш имкони бўлмай қолди. Чунки тут барглари ипак курти учун заҳри қотилга айланди. Ваҳоланки, атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш борасида 1994 йил 17 ноябрда Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида Тожикистон Алюминий заводининг салбий таъсири минтақасидаги экологик ҳолатни яхшилашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Келишув имзоланган эди. Мазкур Келишувни

ривожлантириш мақсадида 1994-1998 йиллар даврида уни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Келишув ижросини назорат қилиш учун ишчи гурухлари тузилди. Келишувда кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун томонларнинг экологик олим ва мутахассисларидан иборат гурухлар тузилган эди. Аммо, Тожикистон ҳукуматининг сусткашлиги оқибатида мазкур дастур амалга оширилмай колди. Тожикистон ҳукумати ўз манфаатини ўйлаб, нафақат республика аҳолиси, балки кўшни давлат аҳолиси соғлиғи ва саломатлигини ҳамда ўсимлик ва ҳайвонотлар дунёсини ҳам заҳарлаётганини қандай изоҳлаш мумкин!?

“Тожикистон Алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси чиқараётган заарарли газлардан бутун Сурхон воҳаси аҳолиси азият чекаётганлиги бугун барчага аён ҳақиқат-ку!?

Бундан ташқари Тожикистон сейсмик ҳудудда қурилиши кўзда тутилган Роғун ГЭС лойиҳаси ҳам минтақамиз учун хавфли хисобланади.


Чирчикда жуда катта кимё комплекси қурилиши туғрисида хато қарорнинг қабул килиниши ҳам атроф муҳитга ўнглаб бўйлmas зарап келтирган эди. Бунинг оқибатида шаҳар хавоси сезиларли даражада булғанди.

Бугунги кунда Орол денгизининг йўқолиб кетиш хавфи ҳам мавжуд. Орол денгизи сайёрамиздаги қадимий сув манбаларидан бири ҳисобланади. У яқин йилларгача ер юзидағи ёпик денгизлар орасида катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган. Орол табиий захираларининг кўплиги билан, Оролбўй эса биологик хилма-хилликка бой, гуллаб-яшнаган табиий ҳудудлардан бири сифатида ном қозонганди.

Хозирда Оролбўйда экологик вазиятнинг мураккаблашуви бу минтақада яшовчи аҳоли саломатлиги ва генофондига жиддий хавф солаётганлиги ачинарли ҳолдир.

2008 йил маълумотларига кўра, Орол денгизи сувининг ҳажми 13 баробарга, худуди эса 7 баробарга кичрайган. Сув сатҳи 26 метрга, денгиз кирғоги эса юзлаб километрга чекинган. Таъкидлаш жоизки, денгизнинг куриб қолган бепоён ҳудудлари оқ туз билан қопланниб, 5 миллион гектардан зиёд майдон янги “Оролқум” саҳросига айланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> БМТ МРМ статистик маълумотидан.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР

Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳасида кўп давлатларга ибрат бўладиган конунчилигимиз мавжуд. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза этиш бўйича бир катор халқаро шартномаларнинг иштирокчиси ҳамdir. Ҳозирги вазифа – биринчи босқичда қабул қилинган табиатни муҳофаза қилишга оид конунчилигимизни халқаро мезонларга мос тарзда такомиллаштириши давом эттиришdir. Мазкур йўналишдаги конун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишда қўйидаги масалаларга эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади:

- жамиятни экология соҳасидаги ахборот билан мунтазам таъминлаш тизимини яратиш;
- жамоатчилик асосидаги экологик экспертизага ҳуқуқий кафолат яратиш;
- экология борасида аудитни ташкил этиш;
- экологик сугурталашни йўлга қўйиш;
- экологик таълим ва маданиятни шакллантириш.

Фуқаролар соф табиий шароитларда яшашдан иборат конституциявий ҳуқуқларга эга бўлишлари билан бирга, атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳам мажбурдирлар.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланган тадбиркорларни солиққа тортишда рағбатлантирувчи меъёрларни назарда тутиш мақсадга мувофиқdir.

Табиатни муҳофаза қилиш нафақат мутасадди шахсларнинг балки юртимиизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланиши лозим. Табиий мухит шароитларини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг ҳуқуқий, иктисодий ва ташкилий асосларини белгилаб бериш мақсадида 9 декабрь 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конуни<sup>1</sup> қабул қилинганлиги бу борада кескин бурилиш ясади. Мазкур қонуннинг мақсади инсон ва табиат уртасидаги муносабатлар уйгун мувозанатда ривожланишини,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993 №1, 38-м.

экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фукароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш хукукини кафолатлашдан иборатdir.

Қонунга биноан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, заарланишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, шунингдек, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат қуриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек, Халкаро кизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Бугунги кунда табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсад:

- инсон саломатлиги, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикамида самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб колиш;

- экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

- экология ҳавфсизлигини таъминлаш;

- табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб колиши.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофик ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида.

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва маҳсус йўсинда фойдаланилади. Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фукаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади. Табиатдан маҳсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фукароларга ишлаб чиқариш ва ўзга

хил фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус руҳсатномалар асосида эгалик қилишга ёки ижарага берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи давлат органи хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

Экология ҳавфсизлигига оид меъёрлар ва масъулиятларни бузиш (193-модда); атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда); атроф табиий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда); атроф табиий мухитни ифлослантириш (196-модда); ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (197-модда); экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш (198-модда); ўсимликлар касаллиги ёки зараркундалари билан кураш талабларини бузиш (199-модда); ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш (200-модда); зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда); ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (202-модда); сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-модда); Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳукуқларнинг тартибини бузиш (204-модда) жиноятларининг айримлари давлат хизматчиси бўлмаган оддий шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Кўрсатилган жиноятларнинг айримлари эса фақат давлат хизматчиси, маълум мансабдор шахс томонидан содир этилади. Бу ҳақда жиноят қонуни моддаларида

аник күрсатылған, масалан: 193, 194, 195, 205, 206, 207, 208, 209, 210 моддалари давлат хизматини амалга ошириш фаолиятидан келиб чикади, бу жиноятларда давлат хизматчиси бўлмаганлар айбланмайди, яъни, бу жиноятлар субъекти факат давлат хизматчиси бўлади.

Мамлакатимиздаги қонунчиликка кура экологик мувоза-натга ким дахл килишидан қатъий назар қонун бўйича жавоб беради.

## ИЛМИЙ ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИННИГ ЭКОЛОГИЯГА ТАЪСИРИ

Илмий техника инқилоби – илм-фан, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро узвий боғланган ҳолда ривожланиши демакдир. У жамият ва инсон фаолияти моддий шароитларининг туб ўзгариши, инсоннинг табиат қонуниятларини билиш ва ўз фаолиятида улардан фойдаланишда янги, юкори босқич саналади. Илмий техника инқилоби натижасида илм-фан тараққиётининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, айниқса, ишлаб чиқариш кучлари ривожига бўлган бевосита таъсири мислсиз ошади. Дастрлаб, илмий техника инқилоби, илмий-техника прогрессининг биринчи босқичи сифатида, XVI-XVIII асрларда, мануфактура ишлаб чиқариш, савдо ва денгиз саёҳатларининг кенгайиши, бошқа ҳаётий эҳтиёжлар жуда кўп назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишни талаб қила бошлади. Илмий техника инқилоби ривожланишининг иккинчи босқичи XVIII аср охирларидан бошланган бўлиб, у машиналар ёрдамида ишлаб чиқаришни тез ривожлантириш фан ва техника тараққиётини ўзаро яқинлаштириш ва узвий боғлашни талаб қиласди.

Илмий техника инқилобининг сўнгги босқичи XX аср ўрталарида бошланган бўлиб, ҳозирги даврда кенг қулоч ёйган. Илмий техника инқилоби жамият ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари – саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алока, тиббиёт ва инсон турмуш тарзининг ҳамма жабҳаларини камраб олган. Шунингдек, илмий техника инқилоби сиёсат, мафкура, ҳалқаро ва миллий муносабатларга, космос, биосферани ўрганиш ва ўзлаштиришга, хуллас, жамият ва табиатнинг барча соҳалари ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқани тубдан ўзgartирмоқда.

Илмий техника инқилоби экологияга ҳам жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Илмий техника инқилоби мураккаб ҳодиса. У материя ва унинг хоссаларини ўрганиш ҳамда ундан амалиётда, ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланишини, табиий, техника ва гуманитар фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, фундаментал тадқиқотларни кенгайтиришини тақозо этади. Илмий техника инқилоби замонавий илмий ва техника революцияларини ўзида мужассамлаштирган. Ҳозирги даврда илмий техника инқилобининг янги босқичи бўлмиш, технологик ва информацион революцияга замин яратилмоқда. Илмий техника инқилоби рўй бергандан кейин мислсиз даражада истеъмолчилик маданияти ҳам ошиб кетди бунинг оқибатида жаҳон экологияси ҳавф остига тушиб қолди. Фан борган сари кўпроқ ишлаб чиқариш, бошқариш жараёнларининг назарий заминига айланмоқда, унинг маҳсули саналган билимлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда, инсон фаолиятининг барча томонлари фанга, ақл-идрокка таянмоқда.

Илмий техника инқилоби ишлаб чиқаришнинг асосий унсурлари бўлган меҳнат воситалари, қуроллари, қувват манбалари, технология, бошқариш ва бошқаларга туб сифат ўзгартиришларни киритмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий йўналиши: комплекс автоматлаштириш, компьютерлаштириш, атом ва ядро энергиясидан фойдаланиш, радиоэлектроника ва роботларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, информация ва интернетдан унумли фойдаланиш, химия, биология ген инженерияси ёрдамида қишлоқ хўжалигига янги ўсимлик турлари ва ҳайвонат зотларини яратиш, интенсив технологияни жорий қилишни тақозо этади.

Илмий техника инқилоби инсониятга, жуда катта ютуқлар ва қулайликлар билан бирга, салбий оқибатлар ҳам олиб келди. Инсон илмий техника инқилоби ютуқларидан ўз амалий фаолиятида кенг фойдаланиб, табиатга таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги долзарб глобал муаммолар: экологиянинг бузилиши, атроф мұхиттининг ифлосланиши, Ернинг исиши натижасида об-ҳавонинг ўзгариши, турли касалликларнинг пайдо бўлиши бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон шароитида Орол денгизининг қуриши унинг атрофида жойлашган худудлар экологиясини ёмонлаштирумокда, курғоқчилик ва касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмокда. Чунки илмий техника ютукларидан вактида тўхтамади, ерларни экстенсив ривожлантириш оқибатида Орол қуриб қолди.

Илмий техника инқилобини тезлаштириш ижтимоий ишлаб чикариш самарадорлигини оширишнинг асосий манбаидир. Илм-фан ютукларини, янги техника ва технология, компьютерлар ва информацион тизимлар, интернетни ишлаб чикариш ва ҳаётга кенг жорий қилиш меҳнат мазмунини ўзгартирумокда, уни енгиллаштирумокда, жисмоний меҳнат ўрнини борган сари кўпроқ ақлий меҳнат эгалламокда.

## ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕН МУҲАНДИСЛИГИ

Маълумки, ирсий инженерия ҳозирги замон биологияси ва техника тараққиёти ютукларидан фойдаланиб, кўпгина муҳим вазифаларни, чунончи: озик-овқат, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва экология муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашади. Ирсий инженерия тиббиёт ва фармацевтика учун айниқса катта имкониятлар яратади, чунки ирсий инженерия ва гибрид методларидан фойдаланиш тиббиётнинг тубдан ўзгаришига олиб келиши мумкин. Инсоният қаршисида кўндаланг бўлган ўз-ўзини асраш муаммоси ҳаёт фаолиятининг оқилона стратегияларини излашга мажбур қилмоқда. Биотехнология тажрибасини тушуниб этиш ҳам, юзага келган танглиқдан кутулиш йўлларини унинг ривожланиши билан боғлаш ҳам аввало, шу нуктаи назардан амалга оширилмокда. Биотехнология бошқа илмий йўналишлар, трофология (ҳаётий муҳим моддаларни истеъмол қилиш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш) ва экология билан бирга атроф муҳит, айниқса, биосферанинг тирик моддалари билан инсон ўртасидаги алоқаларнинг янги даврига дарча очмоқда. Сайёрамиз экологиясидаги ўзгаришлар динамикаси ўринли ташвиш туғдирмоқда. Одам яшайдиган муҳитга физик, кимёвий ва биологик табиатнинг зарарли омиллари таъсири тобора кучайиб бораёттир. Минг афсуски, табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Бу, айниқса, дарҳол намоён бўлмайдиган ва

таъсир бўсағасига эга бўлмаган генетик ўзгаришларга тааллуқли. Ваҳоланки, инсон ирсиятига атроф мұхит таъсирини ҳисобга олиш зарур, чунки мутацион ўзгарувчанлик түгма касалликларга сабаб бўлади. Вужудга келган патологик мутациялар узок вақт сақланиб қолади ва авлоддан авлодга ўтади. Ирсиятнинг ўзгариши ёки мутация жараёни — тирик организмларнинг узвий хоссаси. Ирсиятнинг ўзгариши жараёнида янги мутациялар юзага келади ва фенотипик тарзда намоён бўлади, шундан кейин танланиш жараёни юз бериб, улар ё популяцияларда сақланиб қолади, ёки ҳалок бўлади. Одамда мутация жараёни түгма касалликлар юзага келишининг негизи ҳисобланади. Оғир асоратларга сабаб бўладиган янги доминант мутациялар улар умумий микдорининг 80 %ини ташкил этади. X-хромосома билан бириккан рецессив мутациялар ҳар авлодда учдан бир қисмга янгиланади.

Мұхитнинг кўпгина омиллари ҳаво, сув, озиқ-овқат, иш жойи, майший мұхитдаги табиий ва синтетик моддаларнинг аксарияти потенциал мутагенлар ва канцерогенлардир. Буни олимлар томонидан инсон ҳужайрасида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Кимёвий мутагенлар орасида дори-дармонлар, озукавий қўшилмалар, пестициidlар, саноат бирикмалари, яъни айрим тоифадаги шахслар эмас, балки бутун аҳоли бутун умри давомида фойдаланадиган моддалар бор. Умуман олганда, фаол кимёвий бирикмаларнинг 10 фоизга яқини организмларга фаол таъсир кўрсатади.

Ташқи мұхит омилларининг тирик организмларга таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган кўп сонли экспериментал тадқиқотлар инсон яшайдиган мұхитда физик, кимёвий ва биологик мутаген омиллар жуда кўплигини тасдиқлади. Улар майший мұхитда, ишлаб чиқаришда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қўшилмаларда, дори-дармонларда, кишлөк ҳўжалигига ишлатиладиган кимёвий моддаларда топилди. Дори-дармонларнинг ҳар бир янги тури биологик текширувдан ўтказилади. Мазкур текширув таркибига сўнгги йилларда мутаген текшириш усувлари ҳам киритилди. Ўсма касалликларини даволашда ва иммунодепресантлар сифатида қўлланиладиган цитостатиклар ва антиметаболикларнинг мутаген таъсири айниқса кучли. Уларнинг мутаген таъсирини ҳар хил тест-объектлар (микроорганизмлар, ўсимликтар, т.б.)ни таъсирлайдиган мутагенларнинг мутаген мөнгөнини тасдиқлайди.

лар, ҳашоратлар, сут эмизувчилар ва одам соматик хужайралари)да текшириш ўхшаш натижалар бермоқда. Айрим маълумотларга кўра, онкология бўлимларининг цитостатиклардан фойдаланишда эҳтиёт чораларига риоя қилмайдиган тиббий ходимларида ҳам мутаген таъсирга йўлиқиш хавфи мавжуд.

## **СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ**

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва саклаш, сугориладиган ерларда тупроқ мелиоратив жараёнларини бошқаришнинг экологик соғ ва юқори самарадор технологияларини яратиш, атроф мухит муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш, ташқи мухитни стресс омилларидан ҳимоя қилиш ва экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш кундалик вазифамизга айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида сувдан оқилона фойдаланиш хақида кўрсатма мавжуд:

**19-модда. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари**

Ўзбекистон Республикаси худудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланини саклаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини саклаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Махаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув ҳўжалиги идоралари дарё ирмоклари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дараҳтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сакланишини таъминлашлари шарт.

Доимо ҳаракатда миллион-миллион ахборотларни ташиётган сувга биз яхши, ижобий маълумот бера олаяпмизми?! Кундан кунга истеъмолчилик маданиятимиз кучаймоқда. Ортиқча истеъмолчилик ҳам сувга зарар келтирмоқда. Тахлилларга караганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хомашё миқдори 60-70-йиллардагига қараганда 1,5-2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хомашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек, бошқа хомашё захираларининг камайиб кетиши каби бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Вужудга келган экологик вазият туфайли табиий мухит инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дараажасини хомашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5 % и миқдорида маблаг ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 млрд. доллар ҳажмида маблаг ажратилиши талаб этилади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислиги туфайли қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45 фоиз  $\text{км}^3$  ҳажмида саноатдан чиқсан ифлос оқава сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувларини ўзининг заҳарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошганлиги ачинарли ҳолдир.

Дунё бўйича океанинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада ҳавфли тус олмоқда. Ҳар йили оқенларга 12-15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ҳавфли тус олмоқда. Дунё бўйича ҳар йили 0,8 фоиз тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг  $\text{км}^2$  территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшashi ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил мухитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ ВА БИОСФЕРА

Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё ахолисини озик-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё ҳалқларининг 2/3 қисми доим озик-овқат тақчиллиги хукм сураётган мамлакат ҳалқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га. ни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5га. ни ташкил этган эди.

Бугун атроф мухит, экология билан боғлик муаммо шундай фикрлашга мажбур этмоқда. Инсоният, тараққиёт атроф мухитга шу даражада озор етказмоқдаки, энди ўч олиш навбати табиатга келди. Буни кўнгилга ғулгула солиш учун айтмаяпмиз. Юзага келган глобал муаммолар шундан далолат бермоқда. Инсон томонидан табиатнинг ўзлаштирилиши, табиат учун хос бўлган конунлар ва жараёнларнинг бузилиши одамларнинг нафакат соғлиғига, балки уларнинг ер юзида яшашига ҳам хавф туғдира бошлади.

Табиий мухит – ҳаёт ва инсоният маконидир. Табиат ниҳоятда мукаммал бўлиб, унинг бир маҳсули иккинчисига озука хисобланади ва кўпайишга имкон беради. Техника тараққиёти табиий бойликлардан фойдаланишни ва табиий мухитни заҳарловчи моддалар билан шикастланишни меъёридан ошириб юборди. Натижада табиий мувозанат бузилмоқда. Ҳаво, сув ва тупроғи ўзгарган, бузилган худудлардаги ўрмонлар йўколиб, уларнинг ўрнини чўл ва саҳролар эгалламоқда. Ёввойи хайвонлар, баликлар ва күшлар кирилиб бормоқда, инсоният саломатлигига зиён етмоқда. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофазалаш ишлари давримизнинг сиёсий, иқтисодий, техник ва тарбиявий аҳамиятта эга бўлган муаммоларидан бирига айланди. Табиат конунларига эътиборсизлик оқибатида ҳалқ хўжалигига зиён етмоқда, ернинг чўкиши ва сурилиши, сел каби хавфли ҳодисалар кўпаймоқда, ичимлик сувларининг ифлосла-

ниши эса сув танқислигини юзага келтирмоқда. Кейинги йилларда республикамизда табиатни муҳофаза қилишга зътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таждид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ҳам табиатни муҳофазалашга алоҳида зътибор берилган. Лекин бузилган мухитни тиклаш уни асраб қолишга нисбатан жуда қийиндир. Шунинг учун ҳам Орол денгизининг табиий ҳолатини тиклаш масаласи ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон ҳалқлари олдида турган умумбашарий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги, экологияни асрарда масъуллик ва бошқа бир қатор тушунчалар юзасидан мулоҳаза қилиш вақти келди.

Айрим корхона раҳбияти ўз бошқарув фаолиятида кўллайдиган услублар эса маълум жиҳатдан инсоний қадриятларга, шу худуд ҳалқи ва миллат доирасида зъозланувчи эзгу мақсадларга зид келиши мумкин. Корхона фаолиятининг экологияга, атроф мухитдаги одамларга салбий таъсири бошқарув маънавиятининг шаклланмаганилигига мисол бўлиши мумкин. Шу боис, мана неча йиллардан бери миллатимиз ва ҳалқимиз умрига завол бўлиб келаётган Тожикистоннинг Турсунзода шахридаги Алюминий заводини эслаб ўтиш мумкин. Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида жойлашган бу заводнинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларига келтирган экологик зарари нафакат шу корхона, балки бу соҳага оид барча бошқарув маъмуриятининг маънавий тубанлигидан далолат бермайдими? Аслида бошқарув маънавияти юксак бўлган ташкилот, корхона, соҳа ва давлат бошқаруви аппарати доимо ҳалқ ҳакида ғамхўрлик қиласи, фаолиятида ўз меҳрмуруввати ва саҳоватини етакчи тамойилларга айлантиради. Бу хислатлар туганмас булоқ сингари доимо янгиланиб, юқорига талпиниб, яъни бир қобик ичига сиғмай ўзини намоён қилганидек, бошқарув маънавияти ҳам доимо такомиллашиб борувчи ва юксакликка интилувчи негиздир.

Шу ўринда бир ривоятни эслайлик: Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло билан сўзлашув чогида «Ё Раббим, сен ҳам бирон-

бир пайт ухлаб, дам оласанми?» деб сўрабди. Шунда Аллоҳ: «Эй Мусо, сен фалон жойга боргин-да, қўлингга сув тўла кўзани олиб, куну тун ухламай ўтириш, шунда саволингга жавоб топасан», дебди. Мусо (а.с.) сув тўла кўзани кўлида тутганича икки кечакундуз ухламай ўтирибди. Аммо учинчи тун ғафлат босиб кўзи илинибди, кўза ерга тушиб синибди, сув ерга тўклинибди. «Кўргил, бир одам ухлаб колган эди, кўза кўлидан ерга тушиб синди, сув ерга тўклиди. Энди кўзани бутлаб, сувни қайтаришнинг иложи борми? Йўқ, албагта. Ана энди ўзинг айт, мен ухласам, илгимдаги бу еру осмонлар вайрон бўлиб кетмайдими?» дебди Аллоҳ. Бу ривоятда Тангрининг ҳайю яқзонлик (тирик ва уйғок) сифатлари далилланади. Аммо биламизки, аксар илоҳий ривоятларнинг маърифий маъноси ҳам бўлади. Чунончи, мазкур накл ҳар бир одамни бедору хушёр бўлишга, жумладан, сувни эҳтиётлаш ва экология соҳасида бошланган эзгу ишларни ташлаб қўйиб, мудрамасликка чорлайди, акс ҳолда қай бир ғафлат онида жами саъй-харакат, жидду жаҳд елга соврилиши мумкин. Табиат биздан ўткалананиши ёки ўч олиши мумкин. Биз шуни доим ёдда тутмогимиз керак!

## ЭКОЛОГИЯНИНГ ИНСОН ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Учинчи дунё мамлакатларида болалар ўлимининг кўпайипти ёки репродуктив саломатликнинг йўқолишига экологик бўхрон сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда бир неча йиллар аввал болалар ўлими миқдори АҚШдагидан 2,5, Япониядагидан эса 5 баравар, собиқ Иттифоқ миқёсидан 1,8 марта кўп эди. Ҳозир бу ракам қисқарди. Лекин барибир “Серкӯёш”, “Жаннатмакон” деб таърифлаб юрган ўлкамизда бундай ҳолатнинг ўзи ачинарли. Шунинг учун азалдан озодаликка, покликка риоя қилиб юрипимиз лозим эди. Ҳа, бизда ҳам иллатлар йўқ эмас. Биз бир канча муддат бир-бirimизни алдаб келдик. Ҳакикатни очиқ айтишдан кўрқдик. Оқибатда бир ҳовуч кимсалар еримизни ҳам, табиатимизни ҳам беаёв таладилар, тоғтадилар, заҳарладилар. Афсуски, ҳозир ўша кимсаларни излашга, сўроқ қилиб ўтиришимизга фурсат йўқ. Тўғри, шикоят қилган одам аввало вижданни олдида жавоб бериши керак. Аммо, биз мумкин қадар тезроқ амалий ишга киришмогимиз лозим. Экологияни яхшилашнинг биринчи зарур шарти – табиатга лоақал

зарар етказмасликдир. Энг аввало уни беаёв ифлюслантираётган иншоотлар ҳақида ўйлаб кўриш даркор, табиатга зугум қилинмаса у табиий гўзаллигини, мусаффолигини, ҳаётбахшигини намоён этаверади. Бу мулоҳазаларимиз умумийдек кўрингани билан уни ҳал этиш борасида ҳар биримизга дахлдор томони кўриниб турибди. Зоро, табиатни асраш – умум ишидир.

## САЛАФЛАР ИЛМИДА ТАБИАТ МАНЗАРАСИ

Аждодларимиз илмидаги табиат манзараси, фасллар, тақвим ўз даврида улкан воқелик бўлган. Птолемейда Куёш ва Ойнинг Ердан узоклик масофалари ҳақида маълумот берилгани ал-Фарғонийга маълум эди. Ал-Фарғоний сайёра ва юлдузлар масофасини уларга қўшди, Ой ва Куёш тутилишларини тадқик қилиб, уларнинг вакт оралигини аниқлаб берди. Ана энди фалакиёт илми келгусида содир бўладиган ҳодисаларни олдиндан билувчи фанга айлана бошлади. Ҳали гелиоцентризм шарпаси йўқ замонда ал-Фарғоний Ер энг кичик юлдуздан ҳам кичикдир, деган фикр билан майдонга чиқди. Бунга асос қилиб, Ер радиуси Осмон радиусларидан жуда кичикигини айтди. Ер шари гўё бир нуқта.

Ернинг катта-кичиклигини билиш учун унинг диаметрини, бинобарин, меридиан узунлигини ўлчашиб ниҳоятда мураккаб назарий-амалий масала эканлиги аниқ эди. Ал-Фарғоний Ер ёйининг қайси узунлиги 1 даражага тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади ва уни 360 га кўпайтириб, 40 минг 800 километрни ҳосил қилди. Ер меридианининг ҳозирги замон илмий асбоблари ёрдамида ўлчанган узунлиги 40 минг 8 километр чамасидир. Уртадаги фарқ ниҳоятда кам, ал-Фарғонийга тасанно. Унинг бу ишига Беруний ҳам юкори баҳо берган эди.

Ал-Фарғоний тадқик қилган “иқлим” тушунчаси ва иқлиmlар гурухини Европа олимлари тан олди ва анча вакт хизмат қилди, лекин кейинги асрларда “етти иқлим” ўрнига “тропика”, “субтропика”, “экватория”, “Арктика”, “Антарктида”, “кутблар”, “оҳанграбо кутблари”, “совуклик кутби” каби тушунчалар пайдо бўлди. Яъни, иқлиmlар таснифи ўзгарди, лекин бунда ал-Фарғоний асос қилиб олган ўша қонда янгича шаклда намоён бўлмоқда, холос. Ҳозирги вактда маҳаллий,

худудий, зонал ва жаҳон миқёсидаги экология муаммоларини, озон ўқонининг жўғрофий кенгламаси табиатини тадқик қилишда ўша коидани эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Ал-Фарғоний Куёш Саратон бошида бўлганида кундузи 24 соатга тенг ва тун деярли бўлмайди, Жадий бошида бўлганда эса тун 24 соатга тенг ва кундузи кутби зенитда бўлади, эклиптиканинг ўзи эса горизонт доирасида ётади. Бу пайтда Ҳамал боши шарқда, Мезон боши – ғарбда, Саратон боши – шимолда, Жадий боши – жанубда бўлади, деб таъкидлаган.

Ал-Фарғоний шугулланган тақвим муаммоси ҳанузгача ечилгани йўқ. Йилнинг тўрт фаслдан иборатлиги, улар орасидаги муносабатларнинг жўғрофий кенгламага боғлиқлиги (масалан, шимолий ярим шарда ёз бўлганида, жанубий ярим шарда киш бўлиши ёхуд Ўзбекистонда баҳор ва куз бўлганида, экваторда икки марта ёз бўлиши ва аксинча, бизда ёз ва қиш бўлиши) маълум. Номаълум – вакт ўлчами қандай бўлиши кераклиги ҳакидаги муаммони ҳал этишга ал-Фарғоний ўз улушини қўшган.

Ал-Фарғоний ўша вактгача яратилган Юнон, Эрон, Сурия, ва Ўрта Осиё халқларининг барча тақвимларини ўзаро таққослаб тадқик килди. Бу ишлар билан Птоломей шуғулланмаган, албатта.

Қадимги замон ва ўрта асрларда Куёш ҳамда Ой йиллари, шунингдек, мусулмон мамлакатларида шамсий ва камарий йил ҳисоблари, кабиса йилини чикариш, йиллар, эралар бошланишини белгилаш масалалари фақат Куёш, Ой ва Ер ҳаракатларидаги ўзаро табиий-ижтимоий ҳодисалар, чунончи, пайғамбар ва подшолар ҳаётидаги воқеаларга ҳам боғлик бўлган.

Аммо бир сутка ва бир йилда оламнинг чархпалак айланишини рақамлар билан ифодалашда йилни сутка билан рационал, бутун сон ёрдамида ўлчаш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Ер Куёш атрофида 365 кун 6 соат 48 дақика 46 сонияда бир марта айланиб чиқса, 6 соатдан ҳар тўрт йилда 1 кун чиқариб, бу кабиса йилни 366 кун деб осонлаштирилади, лекин барибир ўша 48 дақиқаю 46 сония муаммолигича қоляпти. Бу ал-Фарғоний замонидан то бутунгача ҳали ечимини топмади. Умуман, тақвим муаммосини ижобий ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус комиссияси бир неча йилдан бери ишлашига қарамай, ҳали бирор натижага эришилгани йўқ.

Күёш ҳам, Ой ҳам чикаётган пайтида катталашиб, ботаётган пайтида кичрайиб боради. Күёш ва Ой баркашларининг ўзи гоҳ катта, гоҳ кичик бўлиб кўринади: горизонтда каттароқ, осмонда кичикроқ. Горизонтда турган Күёш ва Ой орасидаги масофада Ердан кўтарилаётган буғ (айникса, кишда ва ёмғирдан кейин) кўз нурини оғдиради. Бу ҳол сув остидаги нарсанинг чуқурроқлигига қараб каттароқ бўлиб кўринишига сабабдир. Бу эса маълум нарсанинг ҳақиқат шакли билан кўринма ҳоли орасида тафовут борлитини кўрсатади.

Фаннинг асосий вазифаларидан бири воқелик ва ҳодисалар сабабияти ва келажакда қандай бўлишини ифодаловчи қонун-коидаларни кашф этиш, яратишдир. Самовий жисмлар ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер геометрик-кинематик йўсинда баён этишган бўлса, ал-Фарғоний жадваллар шаклида изоҳлаган. Азимутлар, юлдузлар, алмуканраталар, параллеллар, радиуслар, эклиптика, сферик фалакиёт ва сферик тригонометрия жадваллари шулар жумласидандир. Ўша вакъларда олам манзараси келгусида қандай бўлиши, жумладан, Ой ва Күёш тутилишларини олдиндан айтиб беришнинг ягона усули мана шу жадваллар эди. Жадвалнинг фазилати унинг жонли мушоҳадага ундовчи табиатидир.

Қонуниятнинг юкорида тилга олинган шаклларига график, статистик, интуитив, мантикий усуллар ҳам кўшилади. Шундай бўлса ҳам ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний кашф этган қонуниятнинг жадвал усули тобора ривожланмоқда.

Ал-Фарғоний Ой нурни Күёшдан олади. Шунинг учун унинг Күёшга қараган томони ёруғдир: Агар Күёш ва Ой бизга нисбатан бир томонда бўлса, тескари томони қоронғу, агар улар бизга нисбатан тескари турса, Ойнинг бизга қараган томони ёруғдир. Күёш Ернинг ярмисини ёритади ва Ер сиртидан қайтаётган нур Күёш билан бирга шарқдан гарбга айланади. қоронгулик ҳам Күёш Ерга қараганда катта бўлганлигидан ҳавода Ер сояси охирида йўқ бўлади, деб изоҳлаган.

Аллома стерография проекциялари назариясининг кашфиётчиси. Күёш, ой, сайёра, юлдузларнинг, бинобарин, осмоннинг келажак манзарасини билиш учун геометрик-кинематик усулнинг қабул қилиб олинишида устурлоб (астролябия)

асбобининг аҳамияти катта бўлган. Осмон гумбазида мавхум тарзда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, азимут, координата ўклари тизимлари, бурчаклар, нуқталарнинг проекцияларини доира асбобга тушириш анча қулайлик туғдиради. Бу асбоб назариясини ҳам ал-Фарғоний кашф этди.

Горизонтал, экваториал ва эклиптик координата тизимларини қабул қилиш, уларни жойлаштириш, сайдераларнинг эпицикл деб аталувчи чизиқлар бўйича, уларнинг марказлари Ер атрофида дерефент номли чизиқлар бўйича ҳаракат қилиши қоидалаштирилди. Аллома бунинг учун сферик учбурчак тригонометрия ёрдамида сферик фалакиётга ва ниҳоят, сферик геодезияга ўтди. Косинуслар ва тангенслар сферик теоремаларини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, ал-Фарғоний илмий асарларининг XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниши ва бутун Европага тарқалиши Уйғониш даври илмий-ижтимоий омилларидан бири бўлди. Унинг кашфиётлари дунё халқлари томонидан тинимсиз ўрганилди, китобларидан фалакиёт соҳасида асосий қўлланма сифатида фойдаланилди. Улар янги-янги илмий кашфиётларга сабаб бўлди. Аҳмад Дониш ҳам Ал-Фарғоний асарларини кент тушуниб таҳлил килган алломалардан биридир.

## ЭКОЛОГИЯНИНГ ҲАЙВОНОТ ВА НАБОДОТ ДУНЁСИГА ТАЪСИРИ

Дастлаб бизнинг саёрамиз оловли бўшлиқ ва космик чангтўзонлар булутидан иборат эди.

Мўъжизавий бу дунё бундан 4 миллиард йил илгари пайдо бўлган бўлса, инсониятнинг яратилганига атиги 200 минг йил бўлди, холос. Аммо минг надоматлар бўлсинки, инсоният ана шу қиска вакт ичida Ер юзи табиатининг мувозанатини бузишга улгурди. Аниқроқ қилиб айтганда, одамзод ўзи пайдо бўлган даврдан то хозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни ўзгартириб юборди. Кейинги минг йиллар давомида инсон меҳнат фаолияти натижасида Ер шари юзаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Эътироф этиш керакки, инсоннинг истиқболни ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, туфайли табиат бехад озор чекди, кўп

нарсалардан абадий жудо бўлди. Маълумки, яқин-яқинларгача инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириш, ўз иродасига бўйсундириши мумкин, деган нўтуғри қарааш устунлик қилиб келди. Натижада табиатни иктисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш, ўзлаштириш авж олиб кетди. Қанчадан-қанча лойихалар пайдо бўлди. Дарё ва кўллардаги баликлар, паррандалар, ҳайвонлар эҳтиёждан ортиқча овланиб, кўпчилиги ҳозир йўқ бўлиб кетди. Бир пайтлар фақат Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди бирорни ишонтириш кийин. Республикаизда Турон йўлбарси, йўлли сиртлон каби ҳайвонлар қирилиб кетди. Оқадируг, Қорақулоқ, Устюрт қўйлари, жайрон, Бухоро буғуси, оқтиргонкли қўнғир айик қабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди. Үрмонлар, тўқайлар йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инсон табиатдан ўзига керакли нарсаларни олиш билан бир қаторда унга ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндилиарни ташлаб, табиатни заҳарлантироқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили атмосферага 200 миллион тоннадан зиёд карбонат ангидрид (ис гази), қарийб 150 миллион тонна олтингурут оксиди, 53 миллион тонна нитрат ангидрид, 50 миллион тоннадан ортиқроқ ҳар хил углеводородлар чиқарилмоқда. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард куб метр ифлосланган сув, 70 миллион тонна заҳарли газлар ва 250 миллион тонна чангни ташламоқда. Оқибатда биосфера ўз-ўзини тозалашга ожиз бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда атмосферадаги заҳарланган карбонат ангидрид газининг миқдори қарийб 20 фоизни ташкил этади. Буларнинг барчаси инсон соғлигига сабий таъсир кўрсатиб, турли хил касалликларни келтириб чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 500 минг киши саратон билан касалланган бўлса, унинг 60 фоизи атроф муҳитдаги ҳар хил концераген моддаларнинг кўпайиши натижасида келиб чиқсан. Атроф муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндиilar билан булганиши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларнинг, дарё ва кўллардаги, сув омборлари ва океанлардаги балиқ ва бошка кўплаб жониворларнинг заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер юзининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса цивилизация ҳалокатга учраши мумкинлигини зътироф этмоқдалар.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари хисобланган дарёлар, кўллар, музликлар, ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-ояқт манбаи бўлган жаҳон океани ҳам ҳозирги вактда цивилизациянинг қурбони бўлмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар йили жаҳон океанига ўн миллион тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушмоқда.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетишини Орол денгизининг фожиасидан ҳам кўришимиз мумкин. Орол бўйида экологик вазият кейинги вақтларда шу кадар кескинлашиб, фожиали тус олиб кетдики, ундан нафакат Марказий Осиё ҳалклари, балки бутун курраи замин бирин-кетин зарар кўрмокда. Кейинги йилларда Орол денгизининг ҳажми қисқариб, қирғоғи юзлаб километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси ошди, ҳайдаладиган ерларнинг катта қисмини қум босиб, чанг тўзонлар бўрони юзлаб километр масофага етиб борадиган бўлди. Буларнинг барчаси миintaқадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий иқтисодий оқибатлари жиҳатдан XXI асрнинг энг катта оғатларидан бири бўлиб колди.

Бугунги кунда Орол денгизи атрофидаги 35 миллиондан ортиқ ахоли экологик фалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақилларининг дастлабки йилларидаёқ иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, миintaқадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш лозимлигини англаб етдилар.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти Орол муаммоларини ҳал этиш мақсадида МДҲ мамлакатлари ҳамда жаҳоннинг йирик мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда экологик таназзул миintaқадаги ахоли турмушини яхшилаш борасида талай силжишлар рўй берди. Жумладан, Орол денгизини кутқариш бўйича ҳалқаро жамғарма, давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органлари ташкил этилди, миintaқанинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъмин этган ҳолда экологик аҳволни барқарорлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Ушбу жамгарма бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, ҳалқаро молиявий ташкилотлар эътиборини тортмокда. Жаҳон банки Орол бўйи худудида табиий мувозанатни тиклаш, адоли турмушини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга рози. Европа Иттифоқи, ЕХХТ каби нуфузли ташкилотлар ҳам жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватламоқда.

Орол дengизи муаммоси бугунги кунда Марказий Осиё ҳалқларининг ягона дардига айланди. Dengиздаги сув сатҳининг пасайиб бориши, минтақадаги табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида экологик бўхрон юзага келди. Бу нафақат Оролбўйи худудида, балки иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошидан кечираётган Марказий Осиё мамлакатларн табиий мухитида, қишлоқ хўжалигига ҳам ўз аксини топмоқда. Минглаб гектар ерлар сувсиз қолди. Соҳа мутахассислари дengиз чекиниши натижасида ҳосил бўлган қумликлардан кўтарилган турли минерал тузлар ҳатто Помир тогидаги музликлар устини ҳам қоплагани тўғрисидаги маълумотларга эга.

Марказий Осиё минтақасига ҳос яна бир экологик муаммо пахта яккаҳокимлиги билан бөглиқдир. Маълумки, минтақамиз табиий иклими пахтчиликни ривожлантиришига мослашган. Шунинг учун ҳам, Марказий Осиё республикаларида ўтмишда пахта экиладиган майдонлар кўлами ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилган эди. Уларни сув билан таъминлаш мақсадида Амударё ва Сирдарё ўзанида кўплаб сув омборлари курилган эди. Натижада дарёларнинг суви Орол дengизига етиб келмай, йўл-йўлакай сунъий кўлларда сақланиб колган. Бундай ҳоллар икки дарёдан сув ичадиган беш мамлакатнинг барчасида содир бўлган.

Минтақамизда экологик вазиятнинг мураккаблашиб бораётганлиги ҳакида сўз юритганда яна шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, пахтани етиштириш учун бир неча йиллар мобайнида кўп микдорда ишлатилган кимёвий моддалар туфайли ер, сув, ҳаво заҳарланди. Оқибатда неча минглаб кишилар ошқозон ичак, сарик касалликларига мубтало бўлишди.

Пахта яккаҳокимлиги етказган иқтисодий, жисмоний ва маънавий зарарнинг адояи йук эди. Уларни ҳамма соҳада – экологияда, ижтимоий турмушда, маориф ва маданиятда, таълимтарбияда, соғлиқни сақлаш, саноат ва бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин эди.

Орол дengизининг кисмати ҳам пахта яккахокимлиги билан узвий боғлиқдир. Орол бўйида содир бўлаётган экологик фожиани ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига қўра жаҳондаги энг катта экологик ҳалокатлар билан қиёслаш мумкин. Курбонлар, бир умр ногирон бўлиб қолган кишилар бор. Захарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, хувиллаб қолган, вайрон бўлаётган кишлоқлар бор. Энг хавфлиси шуки, беморлар орасида болалар кўпчиликни ташкил этади. Ногиронлар сони мунтазам қўпайиб бормоқда. Коракалпогистоннинг бир қанча туманларида врачлар оналарга гўдакларни эмизмасликни тавсия этадилар, чунки она сути заҳарланган.

Мустакиллик туфайли бу масалани ҳал қилишда ҳам маълум даражада ижобий ўзгаришлар юз берди. Пахта зааркундаларига қарши захарли кимёвий моддаларни ишлатиш ўрнига биологик усуслардан фойдаланилмоқда. Пахтазорларни камайтириш ҳисобига доимий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида экологик вазиятни яхшилашга замин яратмоқда.

Марказий Осиё минтақаси учун хос яна бир вазият шундан иборатки, аҳолининг эҳтиёжларини кондириш учун ер ости бойликлари, жумладан, газ, нефть маҳсулотларини ишлатиш йилдан-йилга қўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида, атроф мухитнинг ифлосланишига олиб келиши турган гап. Шунинг учун ҳам хозирги энг долзарб масала – мазкур хомашёларни ишлатища табиатни муҳофаза этиш чоралари қўриб қўйилган бўлиши лозим.

Марказий Осиё минтақасидаги экологик хавф ҳақида сўз юритилганда Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск полигонида собиқ Иттифоқ даврида кўп йиллар мобайнида ядервий зарядларни портлатиш туфайли атроф мухитнинг радиоактив нурлар ва чиқиндилар билан заҳарланганлиги тўғрисида гапириб ўтмасдан бўлмайди.

Куролланиш пойгаси авж олган йилларда мазкур полигонда доимий равишда ва жуда кўп микдорда ядервий куролларни портлатиш натижасида бир неча минг километр атрофдаги мухит – ер, сув, ҳаво, ўсимликлар, барча жонли мавжудотлар шу жойларда истикомат қилувчичи кишилар, радиоактив нурлари ва чиқиндилар билан заҳарланди ва ҳозир ҳам заҳарланиб келмоқда.

Бу эса ўз навбатида инсониятни лол қолдирадиган даражада турли фожиаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айнан полигон тепасидаги озон қатлами емирилиб, Күёшнинг биологик жиҳатдан ҳалокатли бўлган инфрақизил ва ультрабинафша нурлари туша бошлаган.

Кейинги йилларда таникли қозок ёзувчиси Ӯлжас Сулаймоновнинг ташаббуси билан ташкил қилинган «Семипалатинск – Невада» ҳаракати туфайли мазкур полигонда ядровий зарядларни портлатиш ишлари тўхтатилган. Лекин экологик вазият ҳанузгача ачинарли ҳолда сақланиб келмоқда. Маҳаллий аҳоли ичида саратон, оқ кон касалликлари, ногирон гўдакларнинг туғилиши авж олиб кетган. Бундай аҳвол яна қанча вақт давом этишини ҳеч ким билмайди. Полигоннинг келажак тақдирни ҳам номаълум.

Бугун инсоният шундай даражага эришдики, энди табиатдан фақат фойдаланибгина қолмасдан уни ҳимоя қилиш зарурати туғилди. Бугун фақат инсонларгина табиатга боғлиқ эмас, балки табиат ҳам инсонларга боғлиқ бўлиб қолди. Табиатни эъзозлашда ва саклашда ҳеч қандай ҳудудий тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, чунки бир мамлакатда рўй бераётган экологик инқироз бошқа жойларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Табиат – муқаддас даргоҳ, инсониятнинг бешигидир. Биз яшаб, нафас олиб турган табиат, унинг таркибий қисми бўлмиш – Еримиз ҳамманинг бутун инсониятнинг умумий уйи, умумий масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш, атроф мухитнинг ифлосланишига йўл кўймаслик башариятнинг ишидир. Табиатни муҳофаза қилишнинг долзарблиги ана шунда. Ана шу долзарб муаммога биринчи даражали эътибор берилмаса оқибати даҳшатли бўлиши аниқ ва равшандир.

Экологик инқироз – ишлаб чиқариш инқирози бўлиб қолмасдан, айни вақтда ижтимоий-сиёсий муаммодир, чунки табиатни муҳофаза қилиш – бу социал ривожланиш ва халқ фарновонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда табиатнинг муҳофаза қилинишини давлат йўли билан бошқариш, назорат қилишга катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Оролни сақлаш, «Экосан» ва бошқа жамғармаларнинг таъсис этилиши табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф мухитни муҳофаза қилиш муаммоларига оид минтақавий ва жаҳон илмий-

амалий анжуманларнинг ўтказилиши табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликнинг кенг жалб этилиши бунга мисол бўла олади.

Минтакамиизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари қўидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим: қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлаш, тупроқ эррозиясига қарши курашни кучайтириш, ерларни селдан, кўчкilarдан, ўпирлишлардан, шўр босишдан, заарланишдан, сув босишдан ва куриб колишдан ҳимоя қилишни таъминлаш, фойдали қазилма конларини янада комплекс равишда ўзлаштириш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, Орол дентзи, Сирдарё, Амударё ва бошқа дарёлар сувлари сатхини камайишининг олдини олиш, уларни ифлосланишдан сақлашни кучайтириш чораларини амалга ошириш. Сув манбалари, шу жумладан кичик дарёлар ва кўлларни қуриб колишдан ва ифлосланишдан муҳофаза қилишни яхшилаш, Марказий Осиёдаги энг муҳим дарё ҳавзаларидаги сув хўжалик комплексларининг автоматлаптирилган бошқариш тизимларини яратиш, ирригация тармоқларини ҳозирги давр талабига мувофиқлаштириб қайта куриш; заарли моддаларнинг атроф муҳитта чиқарилишини камайтириш ва чиқарилаётган газларни заарли аралашмалардан тозалашни яхшилаш, газ ва чангларни ютувчи ғоят самарали аппаратлар, сув тозалайдиган ускуналар, шунингдек, табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилувчи мосламалар ҳамда автомат станциялар ишлаб чиқаришни таъминлаш; иссиқлик электр станцияларида мазут ва торфдан ёкилги сифатида фойдаланишни камайтириш; ўрмонларни ёнгиндан сақлаш ҳамда уларни заарли ҳашоратлардан ва касалликлардан муҳофаза қилиш; иҳота дарахтзорларини кенгайтириш, шаҳарлар, қишлоқ жойлари ва уларнинг атрофларида янги кўкаlamзорларни яратиш, мавжуд шундай зоналарни ободонлаштириш; илмий асосланган кўриқхона ҳудудлари ва миллий боғларни вужудга келтиришни давом эттириш; ёввойи ҳайвонларни мутаносиб равишида кўпайтириш ҳамда табиий кўл, ховузлар ва сув омборларида қимматли балиқ турларини урчитиб кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш.

## ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИДАГИ КЕЛИШУВЛАР

Инсон учун табиий қадриятлар билан бир каторда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий қадриятлар ҳам катта аҳамият қасб этди. Башарият кўп минг йиллик тарихи давомида эркин, бахтли ва гўзал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хилма-хил қадриятларни яратди, инсон, унинг хукуқи ва эркинликларини ҳимоя қиласидиган қонунлар, сиёсий ташкилотларни бунёд этди. Инсоннинг гўзал яшаши учун зарур бўлган бадиий эстетик қадриятларни ривожлантириди, кишиларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини белгилаб берадиган ахлоқий қоидалар мажмусини жорий этди ва ҳоказо. Мазкур ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятлар жамият тараққиётида салмоқли ўрин згаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, инсон ўзи яратган мазкур қадриятларни кўп ҳолларда поймол қилиб келаётгандигини ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқсизлик миллатимизнинг урф-одат ва анъаналарига зид келувчи хатти-ҳаракатларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ичидаги авж олиб кетаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг олдини олиш хозирги кунда жамиятимиз олдида кўндаланг турган долзарб вазифадир.

Кишилар онгини қадриятларга истеъмолчи ёки кузатувчи сифатида караш кайфиятидан холи этиб, аксинча уларни янада кўпайтириш, юксалтириш пайида бўлишларига киришишга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса абадий эмас. Бу қадриятларга ҳам таалуклидир. Шундай экан, уларни доимо бойитиб, ривожлантириб, кўпайтириб, янгилаб турмоғимиз даркор.

1995 йилнинг 15-16 сентябрида Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича ўтказилган семинар кенгашнинг Ўзбекистон пойтахти – Тошкентда Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлиланган мажлиси бўлиб ўтди. Семинар кенгашда БМТ, ЕХҲК, Ислом Конференцияси ташкилоти делегациялари, БМТ ҳавфсизлик кенгашига аъзо мамлакатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари, шунингдек, минтақага туваш

давлатлар делегациялари – жами 31 давлат, 6 халқаро ташкилот иштирок этди.

БМТ Бош котибининг махсус вакили Махмуд Мистирий семинарни очар экан, Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуман 50 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов семинар кенгашда сўзлаган нутқида шундай деди: «**Биз мазкур семинарни минтақавий хавфсизлик ва баркарорлик тизимини ўрнатиш ва уни амалга сийжитиш йўлида, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва ҳалқлари учунгина эмас, балки бу минтақага чегарадош улкан ҳудуд учун ҳам жуда зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асосни шакллантиришда турли фикр ва ёндашувларни юзага чиқариш ва уларни бир-бирига яқинлаштиришда манбаатдор бўлган анжуман деб баҳолаймиз**»<sup>1</sup>.

Анжуман қатнашчилари «Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент семинар кенгаси, иштирокчиларининг баёноти»ни қабул қилдилар. Мазкур Баёнотда Марказий Осиё давлатлари минтақада вужудга келаётган вазият учун ўзларининг масъулиятини тўла ҳис қилиб, минтақавий хавфсизлик баркарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг муттасил ривожланишига ўзларининг колектив равишда қўшадиган муҳим ҳиссаси эканлигидан келиб чиқиб ҳаракат қилишларини эътироф этиб, шундай дейилган:

«Бой ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий ранг-баранглиги билан ажralиб турган Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик, баркарорлик ва изчил таракқиёт минтақаси бўлиб қолиши, инсоният таракқиётига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Бу максадга фақатгина коллектив саъй-ҳаракатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-куватлаши орқалигина эришиш мумкин».

Баёнотда элатлараро зиддиятлар, наркобизнес, террорчилик куролларнинг қонунга хилоф равишда жойдан-жойга кўчири-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1995, 16 сентябрь

лиши, инсонларнинг кўчишга мажбур бўлиши сингари хавф ва тазиқларга алоҳида зътибор бериш зарурлиги, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари учун иктисадий хавфсизликни таъминлаш, янги коммуникациявий тартиб барпо этиш, ҳукумат ви ҳукуматга дахлдор бўлмаган турли органлар иштирок этиши лозим бўлган экология тизимини барпо этиш, Орол муаммосига зътиборни янада кучайтириш, Марказий Осиё давлатларининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишда ҳамкорликни таъминлаш бўйича сайд-харакатларни ташкил қилиш каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

Семинар-кенгаш иштирокчилари яқдиллик билан зътироф этдиларки, Марказий Осиё давлатлари ўзларининг БМТ ва ЕХХТнинг инсон ҳукуклари бўйича талабларига содиклигини тасдиқлайдилар, минтақада демократиялаштириш жараёни ва кам сонли миллатлар вакилларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳукуклари муҳофазасини таъминлашини чукурлаштиришга ҳаракат қиласидилар.

Турли давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар делегациялари аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва БМТнинг тўла хайриҳоҳлиги билан ўтган мазкур семинар кенгаш минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлишини таъкидладилар.

«Ўзбекистон, – дейди Ҳиндистон Республикаси ташки ишлар давлат вазири Салмон Хуршид, – ҳамиша тинчлик ва ҳамкорлик тарафдори бўлиб келган. Биз 1966 йилнинг бошида Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг Тошкентда учрашганликларини яхши биламиз. Ўшанда пойтахtingизда имзоланган тарихий Тошкент Декларацияси Ҳиндистон ярим оролига тинчлик олиб келганди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳамкорлик борасида олиб бораётган фаолиятини муносиб баҳолаш жоиз. Ҳозирда Ўзбекистон ўз ташки сиёсатини тинч-тотув яшаш, баркарорлик ва ҳамкорлик принциплари асосида амалга ошириб, жаҳон ҳамжамиятида обрў ва зътибор топмоқда».<sup>1</sup>

Тошкент семинар кенгаши дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан

<sup>1</sup> «Ҳалқ сўзи», 1995, 19 сентябрь

жахон хавфсизлигини таъминлаш мумкин эканлигини яккол кўрсатиб берди.

Минтақамизда барқарорлик тинчликни таъминлашга қаратилган тадбирлар ичida 1995 йили сентябрь ойида БМТ томонидан Нукус шаҳрида ўтказилган Орол хавзаси минтақасининг барқарор ривожланишига бағишлиланган конференция ва унда қабул қилинган декларация ҳам муҳим ўрин тутишини айтиб ўтиш жоиздир.

1995 йилнинг октябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг элизигинчи юбилей сессиясида сўзлаган нутқида Ислом Каримов жаҳон давлатлари раҳбарлари ва кент жамоатчилик эътиборини яна бир бор Марказий Осиёда юзага келган муаммоларга қаратиб, ялпи хавфсизликка минтақаларда хавфсизликни таъминлаш орқалигина эришиш мумкин эканлигини уқтириб ўтди. Шунингдек, БМТнинг минтақавий халқаро ташкилотлар муносабатларини фаоллаштириш, тангликларнинг олдини олиш ўйлида унинг минтақавий тизимларини янада ривожлантириш лозимлиги тўғрисидаги таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон минтақамизда, жумладан Тоҷикистонда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ўйлида фаол ҳаракат кильмоқда. 1995 йил 3 апрелда Ўзбекистон томонидан мухолиф кучлар раҳбарияти билан учрашув чогида Тоҷикистон ҳалқлари конгрессини чакириш хақида таклиф киритилди. Бу таклиф қабул қилинди ва Тоҷикистондаги мухолиф кучлар ўзаро музокараларга киришдилар.

Мазкур анжуманнинг тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида барча сиёсий партиялар, жамиятдаги соғлом кучлар учун муҳим минбар бўлишига ишонч мустаҳкамланмоқда.

1995 йил 10-11 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тоҷикистон Республикаси ҳукумати минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммолари, Тоҷикистонда тезрок тинчлик ўрнатиш максадида тоҷиклараро мулокотни таъминлаш бўйича биргаликда қилинадиган ҳаракатларни мухокама этдилар. Ўзбекистон ва Тоҷикистон Республикаси ўргасидаги муносабатларни янада чукурлаштириш хақидаги меморандумда «Ўзбекистон томони БМТ хомийлиги остида ўтган Тоҷикистонда тинчлик ўрнатиш ва миллий тотувликни қарор топтиришнинг асосий

тамойиллари тўғрисидаги тожиклараро мулокот доирасида имзоланган протоколни табриклайди», дейилади.

Сиёсий мулокот, куч ишлатиш ва экстремизмдан возкечиш, БМТ ҳомийлиги, кузатувчи мамлакатлар иштироқида ўзаро мақбул ечимларни излаш Тожикистанда тинчлик ва баркарорликка эришишнинг ягона йўлидир. Шуни эътиборга олган ҳолда меморандумда қуидагилар таъкидланади:

«Томонлар бундан бўён ҳам минтақавий хавсизликнинг муҳим муаммолари юзасидан доимий маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётига риоя қиласидар ва халқаро ташкилотларда биргаликда ҳаракат қилишда давом этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистан Республикаси ҳукумати икки давлат қардош халқлари фаровонлиги йўлида бундан бўён ҳам тинчлик баркарорлик ҳамда тотувликни таъминлаш ва ошириш, якин ҳамкорлик режаларини ҳаётга муттақил татбиқ этиш учун биргаликда ҳаракат қиласидар».<sup>1</sup>

Ўзбекистон Афғонистонда ҳам тинчлик ва баркарорликни янада мустаҳкамлашинг тарафдоридир. Президент И.А.Каримов минтақада тинчлик ва баркарорликни саклаш муаммолари хусусида сўз юритганда бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни баркарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этётган ижобий жараёнлар билан бир каторда, минтақадаги стратегик мавхумликни тугатиш ниҳоятда долзарб масала эканлигини таъкидлади<sup>2</sup>.

Ҳаёт шундан далолат берадики, ҳозирги кунда нотинч ва фожиали минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаш ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва баркарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз учун барча тинчлиссевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали тенг ҳукуқли муносабатларни йўлга кўйиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ўта долзарб вазифадир.

Баркарорлик, тинчлик, тотувлик – булар давлатимизнинг янги биносини барпо қиласидан пойдевордир. Бу бизнинг эртанги

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1995, 13 сентябрь

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 29-бет.

порлоқ кунимизга олиб борадиган тўғри йўлдир. «Тинчлик ва барқарорлик, – деб ёзди И.А.Каримов, – булар халқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир. Инсонпарварлик яхшилик соғдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакаттинга, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилинishi мумкин. Фақат улар билан тенг ҳукукли, ўзаро манфаатлар муносабатлар ўрнатилиши мумкин»<sup>1</sup>.

1995 йилнинг декабрида Жамбул учрашуви бўлиб ўтди. Унда интеграция жараёнларининг боришини тартибга соладиган умумий Марказий Осиё органларини барпо этиш тўғрисида қатъий келишиб олинди. Шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон БМТнинг захира кучлари сифатида умумий тинчликни сақловчи батальонни тузиш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Жамбул учрашуви Марказий Осиёдаги уч Республиканинг давлатлараро муносабатлари ҳамжиҳатлигини янада кучайтирди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий алоқалар қанчалик чукур ва тез мустаҳкамланса, мазкур мамлакатларда ислоҳотлар шунчалик тез амалга ошади, халқларимизнинг фаровон яшашига кенг имкониятлар очилади. Марказий Осиё Республикалари яхлит энергетика, транспорт, ирригация тармоқлари, сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, улар минерал хомашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида минтақавий кооперацияни йўлга кўйишдан, Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини куткариш каби тадбирларни биргаликда амалга оширишдан манфаатларлар.

Марказий Осиё Республикалари беҳисоб табиий бойликка эга. Биз бу бойликни биргаликда ўзлаштиришимиз, иқтисодий, маънавий ва инсоний салоҳиятларимизни янада жипслаштириш йўлидан боришимиз мақсадга мувофиқдир. «Энг аввало, иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривожлантириш, бой хомашё, моддий ресурсларимиз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида – Т. Ўзбекистон, 1995, 170–171-бетлар.

асосида тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик лойиҳаларни, кишлөк хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш – мамлакатларимиз олдида турган муҳим вазифадир»<sup>1</sup>.

Президентимиз И.А.Каримов «Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кўзланган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиласиз?» деб савол кўйди ва унга жавобан шундай деди: «Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик маънавий-маданий алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиқсан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир».<sup>2</sup>

Марказий Осиё Республикаларининг маънавий жипслашувида Ўрта Осиё Фанлар академиясининг таъсис этилганлиги ҳам катта роль йўнашини алоҳида қайд этиб ўтмоғимиз лозим. Мазкур Академия Марказий Осиё мамлакатларининг олдида турган минтақавий муаммоларнинг илмий асосларини ишлаб чиқишида катта аҳамият касб этади. Орол муаммоси, минтақамизда ягона иқтисодий ҳудудни таъсис этиш йўллари, бой миллий маданиятимизни янада равнақ топтириб, ҳалқимизни маънавий жипслаштириш, савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларни уйгунлаштиришда, жаҳон ҳалқларининг ўзаро маънавий алоқаларини ривожлантиришда инсониятни қизикиридига мавзулар бўйича турли ҳалқаро анжуманлар, семинар, конгресс, конференцияларни изчил равишда ўтказиб туриш катта аҳамиятга эгадир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси доимий вакили Холид Малик анжуман аҳлини қутлаб, Ўзбекистон ҳукумати, ҳусусан мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг Орол денгизи ва Оролбуйи минтақаси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 33-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънаният. – Т.: Ўзбекистон, 1993, 138-бет.

муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда изчил ташаббусларини юксак баҳолади.

Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва ҳалқаро ташкилотлар Нукус декларациясини қабул қилишиди. «Биз, – дейилади мазкур ҳужжатда, – минтақада ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик асосида тўла ҳамкорлик қилиш бўйича олган мажбуриятларимизни ва бундан буён ҳам Орол денгизи ҳавзасида экологик бўхрон ҳамда унинг инсонга таъсири оқибатларини бартараф этиш йўлида ишлаш қатъиятимизни маълум қиласми. Биз шунингдек, ҳалқаро ҳамжамиятга, бутун дунё давлатлари ҳкуматлари ва ҳалқларига бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизда ёрдам беришини сўраб мурожаат қиласми.

Биз барқарор ривожланиш тамойилларига содик эканимизни баён қиласми ҳамда бунинг учун қуидагилар зарур деб ҳисоблаймиз:

- барқарор ривожланишнинг асоси сифатида сув, ер ва биологик ресурсларнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиш;

- ўрмон ҳўжалигининг янада мукаммал ва илмий асосланган тизимиға ўтиш;

- сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий усулларини ишлаб чиқиши воситаси орқали суғориш самарадорлигини ошириш, суғориш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда мукаммал технологияларни кўллаш;

- ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг узоқ муддатли шаклларини рағбатлантириш йўли билан барқарор ривожланиш принциплари асосида Орол бўхронини ҳал этиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурларни кенгайтириш ҳамда амалга ошириш;

- инсонлар саломатлигини яхшилашга, турмуш даражасини кўтариш ва маданий меросини сақлаб қолишга қаратилган ташаббусларга кўмаклашиш йўли билан инсонлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик айни пайтда келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт йўлларини таъминлаш;

- атроф муҳит, асосан сув ресурслари ҳолати устидан минтақавий назорат тизимини барпо этиш;

- атроф муҳитни мониторинг қилиш бўйича ахборотлар алмашиш тизимини барпо этиш;

- экологик станциялар ва улар билан боғлиқ қонунчилликни уйғунлаштириш йўли билан минтақа табиий ресурсларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Бундан ташқари, биз Орол денгизи хавзасини баркарор ривожлантириш бўйича халқаро конвенция ташкил этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Сувдан ҳамкорликда фойдаланиш ва экология стандартларини унификация килиш ҳамда бу борадаги қонунчилик мазкур конвенция устувор мавқени эгаллаши лозим. Шу муносабат билан биз БМТ агентликлари, энг аввало унинг тараққиёт дастурига мурожаат қилиб, шу хил конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишида кўмак беришни сўраймиз»<sup>1</sup>.

Орол бўйича Марказий Осиё давлатлараро Кенгаши, Оролни кутқазиш халқаро жамғармаси, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган сайъ-ҳаракатларнинг янада самарали бўлишида ушбу таклифлар муҳим ўрин тутиши шак - шубҳасиздир.

Миллий, минтакавий ва умуминсоний маънавий кадриятларнинг уйғунлашишида, санъат, адабиёт арбобларининг ўзаро учрашувлари, турли фестиваллар ўтказиши катта аҳамият касб этади. Тошкент азалдан маданият ўчоғи бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда.

Миллий ва минтакавий кадриятларимизнинг янада уйғунлашишида Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан «Туркистон – умумий уйимиз» шиори остида кенг авж олиб бораётган оммавий ҳаракат ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилган эди.

## БИОСФЕРА ВА БИОЭТИКА УЙҒУНЛИГИ

Биосфера (грекча *bios* – ҳаёт ва *sphaira* – қатлам) – Ернинг ҳаётга макон бўлган тирик организмлар тарқалган жойи, кисми. Дастреб бу иборани австриялик геолог Эдуард Зюс биринчи марта (1875 йилда) ернинг жонли кобиги, деб таърифлаган. Кейинчалик (жонли) тирик организмларнинг сайёрада тарқалишининг бутун соҳаси В.И. Вернадский томонидан биосфера, яъни ҳаётнинг ягона бир бутунлиги жойлашган алоҳида макон сифатида таърифланади. Биосфера ўз-ўзидан ривожланувчи энг

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 1995 йил, 21 сентябрь

улкан экологик тизим сифатида коинотда нодир ҳодисадир. Вернадскийнинг талқинига кўра, “жонли модда” (материя) бу унинг ўзига хос бир қанча хусусияти бўлган тирикликка (жонга) эга модда. Айни замонда геологик жараёнларда қатнашадиган организмлар мажмуудир. Биосфера бир томондан тирик модданинг фаолияти, иккинчи томондан эса, планетар экология тизими сифатида органик ҳаётнинг табиий платформасидир. Инсон эса унинг чўккиси. Биосфера атмосферанинг куйи қисмини, гидросфера ва литосферанинг устки қисмини ўз ичига олади. Сув тагидами, тош устидами қайси қатлам ҳақида гапирилса ҳам унинг ахлоқий жиҳати биоэтикага уйғунлаштирилиши лозим. Инсоният жамияти юзага келиб, фан ва техника тараққий топгач, биосфера ноосферага ўтади.

Биоэтика – ҳозирги замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири – инсон ҳаётига энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга, инсон ҳаётини саклаш муаммосини – яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблади. Ҳозирги замон фанида биоэтикага тирик мавжудотлар, шу билан бирга, инсонга бўлган муносабатларнинг ахлоқий регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат билан узлуксиз алоқасини маънавий таҳдил этиш асосида, табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик биоэтиканинг маданий негизини ташкил этади. Биоэтика, ижтимоий масалалар билан биргаликда, қадриятлар муаммосини ҳам қамраб олади. Биоэтика мақсадларидан бири – шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятларини яратувчи, инсон хатти-ҳаракати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган, унинг устидан ўтказилаётган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқади. Биоэтика муаммоларини ҳал этишда файласуфлар, хукуқшунослар, социологлар, тиббиёт ходимлари ва социал этиклар катнашмоқда.

Биоэтик муаммонинг долзарблашуви, илмий техник тараққиёт, биотехнология, ирсият технологиясининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, табиий муҳитни мақсадга мувофиқ ва тез ўзгартиришда, инсонга катта кувват берди. Табиий зволюция жараёнлари учун илгари миллионлаб йиллар керак бўлса, энди инсон бу жараёнларни қиска вакт ичida амалга ошириши мумкин бўлди. Ирсият технологияси ва биотехнология инсон тақдирига бевосита аралашиб, ирсиятни дастурлаштириш, ирсият асосида

турли тирик организмлар, биологик роботлар яратиш масалаларини кутариб чиқди. Натижада, инсониятнинг ривожланишини, физиологик жихатдан кайта ўкиш имкониятларини, диний ва умуман умумисоний ахлоқ нуктаи назаридан таҳлил этиш муаммоларини келтириб чиқарди.

## ТАБИАТШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА

Табиатшунослик – табиат ҳақидаги фанлар тизими, табиий фанлар мажмуси. Ҳозири замон фан туркумланиши, яъни таснифланишига биноан бутун фан З та катта гуруҳга бўлинади. Буларнинг биринчиси табиатшунослик ёки таббиёт гоҳо табиий фанлар деб аталади; иккинчиси техник фанлар, учинчиси ижтимоий-гуманитар фанлар дейилади. Табиатшуносликка математика, физика, кимё, биология, астрономия, география ва бошқа фанлар; техник фанларга саноат, коммуникация, кибернетика, гелиотехника, телемеханика, радиотехника, кабилар; асосий негизини агросаноат ташкил эттани сабабли қишлоқ хўжалик фанлари, ташҳислаш ва даволашда техник дастгоҳлар мухим аҳамиятга айланиб қолганлиги учун тиббиёт фанлари ҳам техник фанларга киради. Ижтимоий-гуманитар фанларга фалсафа, мантрик, этика, эстетика маданиятшунослик, диншунослик, педагогика психология, тарих, археология, сиёсатшунослик, социология, социал экология, демография, этнография ва бошқа фанлар киради.

Табиатшунослик буларга табиий-илмий далил, гоя, теорема, аксиома гипотезалар етказиб беради; фалсафа эса фанларнинг ҳаммасига методологик асос, назарий дастурлар беради. Табиатшуносликнинг ўрганиш ва ўргатиш обьекти табиатда обьектив шароитлар мавжуд, жамиятда зса субъектив омиллар хукм суради. Шу сабабли табиатшунослик ижтимоий-гуманитар фанлар, техника, технология, жамият интенсив ўзгариб, тараққий этиб тургани боис тез эскириб ва янгиланиб, туради. Табиатшунослик табиатда юз бериб, рӯёбга чикиб турадиган материя ҳаракатининг механик, физик, кимё ва биологик шаклларини ўрганади ва ўргатади; уларнинг ҳаракатланиш, ўзгариш, ривожланиш қонунларини очиб беради; унинг узлуксизлигини исботлайди; шундай бўлмаганда эди зилзила, вулқонлар отилиши, ёнгин, тошқин, чигиртка ёлирилиши, қишлоқ хўжалик заарку-

нандалари воситасида шикастланмас эди. Табиатшунослик учун фалсафа фани ана шундай дунёкарашлик хулосаларини чиқариб беради.

Табиатшунослик ўз мазмуни ва табиий ҳодисаларни ўрганиш услуги жиҳатларидан эмпирик, тажрибавий ва назарий кисмларга бўлинади. Буларнинг бири аналитик, иккинчиси симметрик хусусиятларга эга. Табиатшуносликнинг обьекти анерганик, нотирик ва органик, яъни тирик табиатларга бўлинади. Буларнинг биринчисини фундаментал фанлар, иккинчисини биологик фанлар ўргатади. Фанларни структуралари ва туркумланиши ана шу бўлиниш билан белгиланади. Табиатшунослик билан фалсафа бир-бирига яқин. Фан ва фалсафанинг ёши тахминан 2,5 минг йилдан ортикроқ даврни ўз ичига олган. Табиий фанларнинг фалсафага яқинлиги шунда бўлганки, улар оламнинг табиий-илмий ёки физик манзарасини ишлаб чиқаришда, аниқроги, яратишда катнашган; ўзининг назарий қисми, чунончи тушунча, категория, назария, теорема, аксиома, гипотеза, илмий башорат, аклий хулосалари, илмий тадқиқотларини амалга ошириши билан ҳам фалсафага яқинлашган; у фалсафанинг тараққиётига бевосита таъсир этган ва этмоқда. Буюк кашфиётлар энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккинчисига айланиши, турларининг келиб чикиши ва ўзаро қураши, тирик табиатнинг ҳужайравий тузилиши билан фалсафий оқимларнинг алмашиб туришига, янгиланиш ва такомиллашишига шароитлар яратган.

Табиатшунослик техник фанлар ва моддий ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ. Уни ишлаб чиқаришнинг маънавий потенциалини, ички, потенциал энергияси деб ҳам ҳисоблайдилар. Энергия эса ишлаб чиқариш механизмини ҳаракатга келтирувчи кучdir. Ҳозирги замон табиатшунослигининг марказида **XX** аср ўрталаригача физика турар эди. У атом энергиясини очиб, ундан фойдаланиш усуулларини топган микроолам “ичи”га, элементар заррачалар орасига кириб олган эди. Ҳозирги физикада 100 дан зиёд шундай заррачалар кашф этилган. **XIX** аср охирида факат электрон ва протон маълум эди. Физика табиатшуносликнинг бошқа тармоқлари чунончи: астрономия (космонавтика, кибернетика, физика, кимё, биоэнергия, гелиотехника, аэролавтика ва бошқалар тараққиётини тезлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, у физика кимё, математика, кибернетика билан бирга молекуляр биологияга сунъий биосинтез функциясини назарий равишда, экспериментал тарзда ҳал этишга ёрдамлаши; ирсиятнинг моддий моҳиятини англашга, 1-2 ойлик ҳомиланинг ҳатто жинсини олдиндан башорат қилишга кўмаклашмоқда; кимёвий боғланишларнинг моҳиятини билишга, космогония бошқа сайёраларга космик кемалар, ҳатто космонавтлар учишга ёрдам беради. Табиатшуносликнинг тобора интенсив тараққиёти ҳозирги замон илмий-техник жараёнини муттасил тезлаштирумокда; фалсафага кўплаб табиий-илмий далиллар этиштириб бermokda.

Табиатшунослик билан фалсафа орасида узвий, диалектик алокадорлик, иттифоқ, ҳамкорлик мавжуд; бири табиий-илмий далиллар, иккинчиси методологик дастурлар беради.

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА БИОЭТИКА

Экологик маданият – инсоннинг табиатни ўзгартириш, саклаш ва ўзлаштиришга онгли ижодий муносабати, табиий кадриятларни келажак авлодларга бекаму-кўст колдириш масъулияти ва бурчини англаш демакдир. Инсонларнинг муайян табиий-жуғрофий яшаш жойлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, эътиқод шакллари, этнографик хусусиятлари билан боғлиқ миллий экологик маданият вужудга келган ва ривожланган. Ҳозирги даврга келиб инсоният табиатга онгли, маданий муносабатда бўлиш, унинг келажагини белгиловчи омил эканлигини англай бошлади. Шу асосда “табиат-жамият-инсон” муносабатларини табиат фойдасига испоҳ қилиш, унга маданий муносабатда бўлиш жараёни кетмоқда. Маданият шаклларининг экологик эҳтиёжлар доирасида интеграциялашуви натижасида экологик-ахлоқий маданият, экологик-хуқуқий маданият, экологик-иктисодий маданият ва шу каби бошқа экологик маданият йўналишлари вужудга келиб, ўз мазмуни-моҳияти ва вазифаларини конкретлаштирумокда.

Экологик маданият маҳсус ижтимоий маданият сифатида инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан амалий муносабатини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш функцияларини бажаради. Табиий атроф мухит муҳофазасининг оламшумул муаммога айланиши ва кескинлашиб кетаётганлиги ижтимоий

хәётда экологик маданиятнинг устуворлашиб бориши қонунияти вужудга келди. Чунки, жаҳонда мамлакатларнинг нотекис ривожланганлиги, табиий атроф муҳит муҳофазасига турлича муносабат, айниқса унинг техник-технологик интеллектуал моддий-мoliaвий имкониятларининг чекланганлиги:

а) ижтимоий тараққиётда биоэтика ҳамда экологик маданиятнинг ролини ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини кўриш;

б) экологик маданиятнинг бошқа шакллари билан интеграциялашуви ва дифференциялашуви хусусиятларини ўрганиш;

в) экологик маданият мазмуни ва функциясидаги ўзгаришлар динамикасини тадқиқ қилиш;

г) экологик маданиятни ривожлантириш усуллари, воситалари ва йўналишларини кўрсатиш каби вазифаларнинг долзарблигини белгилайди. Бу вазифаларнинг самарали ҳал қилиниши, экологик ҳавфсизлик муаммолари ечимида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

## ТАБИАТ – БОРЛИҚНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

“Табиат” кенг камровли тушунчадир. Бунга табиий ва сунъий муҳит («бирламчи» ва «иккиласмачи» табиат) ҳам киради. Табиат, жамият ва одамзод коэволюцияси бугун долзарб масаладир. Экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари умуминсоний мезондир. Республикамизда экологик вазият бугун ўз бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Кишиларда экологик онгни шакллантириш масалалари ва экологик тарбияни кучайтириш зарурияти кундан-кун ошиб бормоқда. Бу мавзуда гапирганда энг аввало борлиқнинг ўзига хос таркибий қисми бўлган табиат, унинг ҳозирги аҳволи ва табиатни асраб қолишнинг долзарб масала эканини англаб олишга эътибор қаратиш лозим.

Табиат бениҳоят хилма-хил шакл ва кўринишларга эга бўлиб инсонни курсаб турган моддий олам, бутун борлиқни ўз ичига қамраб олади. Тор маънода тирик организмларнинг яшаши учун шарт-шароит бўлган Ер, атмосфера ва бошқалардир. Шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Бу ўринда, биосфера – тириклик соҳаси, геосфера – ер соҳаси, ноосфера – ақл соҳаси, техносфера – санъат ва саноат соҳаси демакдир. Ана шу тушунчалар фалсафий мазмунини англаб олиш муҳим.

Инсон ҳаётида икки хил – табиий (бирламчи табиат) ва сунъий (иккиламчи табиат) мұхитни фарқ қилиши ва уларнинг ўзига хос томонларини хисобга олиши зарур. Табиий мұхит ёки бирламчи табиат – инсоннинг фаолияти, мәхнати натижасыга боғлик бўлмаган ҳолда мавжуд нарсалар – ҳаво, тупрок, сув, қуёш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабиларнинг мажмусидир, уларсиз инсоннинг пайдо бўлиши ҳам, яшаши ҳам мумкин эмас эди. Сунъий мұхит, яъни иккиламчи табиат – инсоннинг мәхнати ва фаолияти натижасида у томонидан яратилган барча нарсалар – кийим-кечак, сунъий ёруғлик, тураг-жойдан тортиб то инсон узоқ вактлар давомида яшаб, ижод қилган космик кемаларгача бўлган соҳаларни ўз ичига олади. Шуни айтиш керакки, инсоннинг амалий фаолияти, фан-техника тараққиёті жараённанда сунъий мұхит такомиллашиб бораверади. Лекин соф ҳаво, тоза сув, унумдор тупрок каби бирламчи табиатнинг асосини ташкил килувчилар ўз аҳамиятини ҳеч качон йўқотмайди.

Одамзод жамият бўлиб яшашга ўтгач, табиатда янги бир ҳолат юзага келди. «Иккинчи табиат»нинг яратилиши бир томондан яшаш қуляйликларини вужудга келтирган бўлса, иккинчи томондан табиатдаги уйғунлик, мувозанат (кооэволюция)га путур ета бошлади.

Кейинги 50-100 йиллар мобайнида ҳозирги замон илмий-техника инқилоби натижасида инсоннинг табиатта қиласидиган таъсир имкониятларининг ниҳоятда ортиб кетиши, саноат ва транспорт воситаларининг янада юксалиши, аҳоли сонининг кўпайиб бориши, урбанизация жараёни, табиий ресурслардан тартибсиз, тор манфаатларни кўзлаб, эски технологиялар ёрдамида фойдаланиш каби қатор ҳолатлар инсон ва табиат орасидаги муносабатлар уйғунлигини бузиб юборди. Шу сабабли ҳозирги кунда инсон томонидан табиатга кўрсатилаёттан таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қуляй табиий мұхитни уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатида мувозанатга зришиш борган сари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу ҳол фаннинг янги тармоги – экология (экос – тураг жой, логос – таълимот)нинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги кунда экология барча тирик организмлар – ўсимлик ва ҳайвонот олами, инсон кабиларнинг ўzlари яшашлари учун зарур бўлган

табиий мұхитлар мажмуси билан ўзаро муносабатлари ҳамда қонуниятларини ўрганувчи бир бутун фан сифатида тушунилади.

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (-Т.: Ўзбекистон, 1997 йил) асарида дунё ва мамлакатимиз миқёсида экологик аҳвол чуқур тахлил қилинган ва соғлом экологик мұхит яратиш борасидаги бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тизими кўрсатиб берилган.

Хозирги кунда ҳар бир мамлакатда, минтақада ва бутун дунёда маънавий-ахлоқий мұхитни инсонийлаштириш дастурлари тузилган бўлиб, давлатлар, одамлар уюшмаси фаолиятларини шу олийжаноб йўлга буриб юбориш лозим.

Табиий мұхитни асраш аҳолини, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш, улар билан олиб борила-диган экологик таълим ва тарбиявий ишларнинг кўлами ва самарасига бевосита боғлиқ. Таълим тизимлари, мағкура воситалари, жамоатчилик фикри орқали одамларда ноосфера – ақл – идрок соҳаси тантанаси даври келишига комил ишонч руҳини қарор толтириш ҳаёт талаби бўлиб турибди. Бу йўлда оз бўлса ҳам тузилмалар, тамойиллар фаолият кўрсатмоқда. Бу тамойиллар:

- экологиялашув (Яшиллар партияси, ЭКОСАН);
- гуманитарлашув (синергетика) бўлиб, уларни ноосфера доирасида ташланган янги қадам дейиш мумкин.

Сўнгги иккита тамойил ҳали мукаммал шаклланмаган бўлиб, фақат орзу даражасида. Бу орзуга етишмок учун ҳали фан соҳасида кўплаб ишларни амалга ошириш зарур бўлади. Бунинг учун фан билан дунёқарашнинг бошқа шакллари ўртасида фаол муносабатларни йўлга кўйиб, вазиятни уйғунлаштириш талаб этилади.

## **ГЛОБАЛ МУАММОЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИАТ, ЖАМИИЯТ ВА ИНСОННИ АСРАШ**

Инсоният истиқболини белгиловчи омиллар ва илмий башиборат қилиш усуслари мавжуд. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даври ва умумбашарий муаммолар бўйича бугун кўплаб олимлар бош қотирмокда. Жаҳон қиёфаси XXI асрда

кандай бўлади, келажак ва инсон тақдирни нима билан тутгайди деган савол бугун жаҳон афкор оммасининг олдида кўндаланг бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг исканжасидан кутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умубашарий муаммо – ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳвол ўзгарди. Аҳоли табиий ўсиши юқори даражасининг сакланиб қолиши, фан ва техника ютукларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга берилиши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Окибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли хил башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл заковатли одам «Бундай йўлда кандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аник тасаввур килмаяпмизми?» – деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб колди. Бу саволларни бутун жаҳон ҳалқларининг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди, албатта.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши окибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиғи, иёлтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина, ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жиспланиш, зудлик билан таъсирили чоралар кўллаш орқалитина кутулиши мумкин. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқлар. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва баҳтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. Ўзбекистон, 1997, 4-бет.

Ҳозирги кунда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролла-нишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун кулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқлиник тугатиш;
- ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг баҳт-саодати йўлида фан-техника ютуклари-дан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;
- дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлирок фойдаланиш;
- озон қатламиининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.);
- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкор-ликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш;
- киши организмининг тобора тез суръатлар билан ўзгараёт-ган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ қишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гурухлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равища уч гурухга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иктисодий сис-темалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳоказо) бўлиб, булар шартли равища «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; ахоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Демографик портлаш», кишилар саломатлигини саклаш, киши организмининг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий мухитга мослашиши), шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, «инсон – табиат» муносабатларига эса хомашё ресурсларини тежаш, ахолини озик-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри антлаган ҳолдагина масаланинг тубмоҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соғ ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан сокит қиласлик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта маъсъулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд бўлиб, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, ҳалқимизнинг илк тарихий кадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардўшт ўлимидан 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаба қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг таркалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида кенг шуҳрат қозонаётган бир катор ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намояндайларидан Фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро

ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб писсимиистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисидаги жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган ҳисботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан килинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва тушунчаларига суюнган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хуносалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чукур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликда килинган савй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро куролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арабблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кюри таклифини қўллаб-кувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир ҳалқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио-Кюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июль куни Б. Рассел томонидан ўтказилган матбуот

анжуманида «Рассель-Эйнштейн манифести» номи билан шухрат козонган, бутун ер юзи ахолисига, сиёсий ва давлат арбобларига қаратилган машхур чакириқ зълон қилинган. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош харакатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр килишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гурӯҳ мамлакатларининг харбий галабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинилиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг деб сўрашимиз керак», – деган сўзлар бор эди.

«Рассель-Эйнштейн манифести» чоп этилганига ҳам мана 57 йил ўтди. Бу вакт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим аср мобайнида қуролланишга 16-18 триллион доллар маблаг сарфланди. Ҳозирги кунда харбий соҳалар учун ҳар йилига 1 триллион доллар миқдорда маблаг ажратилмоқда. Бир кунда қурол-ярокка ажратиладиган маблаг 3,4-3,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қўйидаги ракамларга мурожаат қиласиз. Жаҳон соғлиқни саклап ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 миллион доллар ажратишини, Ҳалқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 950-980 миллион доллар миқдорида эканлигини хисобга олсан, масала ойдинлашади.

Харбий-саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаяптики, бу сарф-харажатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа факат табиий ресурслар билангина чекланиб қолмасдан, балки, ўта камёб акл эгалари, қобилиятли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсик бўлиб колмоқда.

Энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси. Давримизнинг яна бир муҳим белгиларидан бири жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол қилиш кўламининг муттасил кенгайиб бораётганлигига

намоён бўлади. Агар ҳозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва ҳалқ ҳўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун якин йиллар ичida йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 миллиард, XXI охирига бориб, 80-85 миллиард тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вужудга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва ҳоказо)дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялар, қуёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва ҳоказо)дан олинадиган энергия микдорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялар 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%-ини қондириши мумкин.

Якин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан қўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг кариийб 34%и ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши ўз навбатида ана шу ҳудуднинг, иклим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлокларда ҳалқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши) мумкин. Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишининг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларига айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта микдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур минтақанинг яшашга мутлақ яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бирок, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб

турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси. Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%и, темир рудасининг 57%и, нефтнинг 76%и, табиий газнинг 80%и кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хомашёнинг бошка турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хомашё микдори 60-70-йиллардагига караганда 1,5-2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хомашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбалари, шунингдек, бошка хомашё захираларининг камайиб кетиши каби бошка бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият, табиий муҳит инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошка томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасини хомашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли микдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан сокит қиласлик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал килиш учун, иктисадчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5% микдорида маблағ ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 миллиард доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислиги туфайли қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45%  $\text{km}^3$  ҳажмида саноатдан чиқсан ифлос оқава сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувларини ўзининг заҳарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Дунё океанининг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада ҳавфли тус олмоқда. Ҳар йили океанларга 12-15

миллион тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км<sup>2</sup> территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб қайта тикланмай колмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар, яъни минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқиёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг салбий белгиларидан яна бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера бугун катта долзарб масалага айланди. Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё ҳалқарининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат такчиллиги ҳукм сураётган мамлакат ҳалқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 гектарни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5 гектарни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар килиниб, 80-йилларнинг охирларига келиб дунё миқёсида етиширилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга фақат табиатга ҳаддан зиёд қилинган каттиқ зуғум натижасидагина эришилди. Жуда кўп ерлар бундай тазийикқа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерларни табиий холатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай таҳликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суратлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиковорқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан табиий мухитнинг экологик мувозанатини саклаш учун етарли маблагни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараккий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуклари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлакати аҳолисининг иктисодий яшаш тарзининг бекиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иктисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энг аввал АҚШ ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юкорироқ боскичига ўта бошлади. Бунда илмий-техника ютуклари кўпроқ талабга мос ва юкори технологияни ривожлантиришга кўп зътибор берилди, табиийки, оқибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иктисодий таракқиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан ўлчанади. Ривожлангаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнилардан ўтган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари ҳисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоги кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг туғилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблагни юкори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилди.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий ўкув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида каралиб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юкори

технологияни згаллаш юксак малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараккىёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилик даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдорида маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3% миқдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туғдиради.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигига бальзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар ХХ асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 долларни ташкил қилган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига: Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, Италияда 14,8 минг доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37 минг долларни ташкил қилган. Демак, Учинчи дунё давлатларининг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фаҳат миқдорий жиҳатдан ўсишининг ўзи кўр-кўронада яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг зътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини хисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориши зарур.

Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили бугунги кунда кўпгина олимлар томонидан олиб борилмоқда. ХХ аср ўзининг бир катор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Ҳусусан, ХХ асрни яна «демографик портлаш» давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади.

«Демографик портлаш» түшүнчеси ижтимоий-тарихий тараққиёттинг қиска бир даврида, муайян миңтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш хисобига ахоли миқдорининг ниҳоятда тез күпайишини англатади.

Инсонияттинг олдида ана шундай хавф борлиги тұғрисида дастлаб инглиз иқтисодчысы Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йиллар) огохлантирган зди. У үзининг «Ахолишуносликнинг конуниятты тұғрисида тажрибалар» номли китобида ахолининг геометрик прогрессия бүйича күпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг күпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган зди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажақда, планетар масштабда, табиий мухит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё ахолиси эҳтиёжи ўргасида зиддият вужудга келишини башорат килган зди. С. Хантингтон ҳам бу борада кўп жар солди.

Дарҳаққиат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 миллион атрофида одамлар истикомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамизнинг бошларида 230 миллион, 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 миллион; 1500 йилда 440 миллион; 1800 йилда 952 миллион; 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат салкам 4 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи миңтақаларида ахолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз нағбатида, Ер юзида миңтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонида) Франция ахолиси 27 миллион кишини, Ер юзи ахолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган ахоли 1,6 миллион киши миқдорида бўлиб, планета ахолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябрь куни Ер юзи ахолиси олти миллиардлик довонни босиб ўтди. Франция ахолиси 56,2 миллионни, Ер юзи ахолиси салмоғининг 0,94 фоизини, Филиппин ахолиси ҳам 65 миллион кишини ташкил этиб, жаҳон ахолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу

борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва шу кўрсаткич томон бораётган Ҳиндистон алоҳида ўрин тутади. Ҳуллас, бу масала бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлик муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Ўзбекистон глобал муаммолар қаршисида қандай мақомни эгаллаган? Мамлакатимизнинг келажаги тўғрисидаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва бошқа яна бир қатор асарларида асосли равища баён қилиб берилган. Мазкур асарларда Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий қадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубҳасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган.

Президент Ислом Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси ҳазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган бекиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, ҳалқимизнинг юксак маданияти ва ахлоқий қадриятларимиз, заминимизда яшайтган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саҳоватлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Шу ўринда савол туғилади: Ўзбекистонда табиат, жамият ва инсонни асраш йўллари қандай йўсинда амалга оширилмоқда?

Албаттa, мамлакатимизда собиқ Иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо – Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташабbusларни ўргата ташлаб кельмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Республикамизда «демографик портлаш» асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида рўй бериб, бу жаҳоён (бошқа бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ўн йилликлари охиригача давом этиши башорат қилинган эди. Бугун бу башорат ўз тасдиғини топди. Республикаизда ҳозирги

вазиятда вужудга келган ўзига хос «...демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан бириди, – деб қайд қилган эди Президент И. А. Каримов, – Жумхуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ортиб бормоқда». Жумладан, 1980 йилда аҳолининг бир йиллик табиий ўсиши 421161 кишини ташкил этди, бу кўрсаткич 1989 йилда 480621 кишини; 1997 йилда 580673 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон ўз аҳолисининг ўсиши билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинни, муваффакиятли ҳал қилишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамида бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгизликтининг олдини олишга хизмат қилди.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати оналарнинг соғлигини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чакалок олдида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек, фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда ҳалқи олдидаги бурчларини чукур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиқканлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу максадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тузилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда ўзбек ҳалқининг кадриятлари асосида ёш авлод дунёкараши шакллантирилганда, шубҳасиз аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муққадас туйғусининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чукур масъулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Бугун “умумбашарий”, “минтакавий” ва “маҳаллий” муаммолар тушунчалари ўзаро кесишмоқда. Албатта демография, экология, экологик таназзул, экосистема, демографик портлаш, демографик сиёсат, футурология ҳар куни ўз муаммоси билан инсониятни гафлатда қолдирмоқда. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари аён, лекин чора кўришга келганда нимагадир сусткашлик қилмоқдамиз. Илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари экологик муаммоларда намоён бўлмоқда. Умумбашарий экологик муаммоларда демографик омилнинг ўрни ҳам мавжуд. Демографик портлаш ва чегара билмас истеъмолчилик мадданияти бугун дунё экологиясини мушкул

аҳволга солиб қўймоқда. Бунга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вақти келди.

## ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Глобал экологик, демографик ва бошқа факторлар ҳозирги замон жамиятининг барқарорлигини издан чиқармокда, у эса, ўз навбатида, жуғрофий, геостратегик, иқтисодий, сиёсий, миллий-диний манфаатлар нуқтаи назаридан зиддиятларга тўла. Барқарор ривожланиш (инглизча-Sustainable development. Бу тушунчани БМТ Ташки мұхит ва тараққиёт халқаро қумитасининг раиси Г.Х.Брутланд 1987 йилда таклиф қилган) – давлат, халқ, миллатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва экологик мұхитнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўрсатувчи, атама. “Барқарор ривожланиш” тушунчаси замирида биринчи навбатда, иктисодий-ижтимоий ривожланиш, бизни ўраб турган мұхит алоҳида соҳалар эмас, балки, улар бир-бири билан узвий боғлик деган фикр ётади. Илм-фан, техниканинг ривожланиши, янги технологияларнинг турмушга кириб келиши, бир томондан, кишиларнинг турмуш тарзини ошиrsa, иккинчи томондан, табиий мұхитга салбий таъсир ўтказмоқда. Шу билан бирга, кўпгина давлатлар иқтисодий начорлик, ижтимоий қолоқлик, экологик танглик шароитида яшаб келмоқда. Шу маънода давлат, халқ, миллатлар, ўз тараққиёт фалсафасида, иқтисодий самарадорликни, ижтимоий адолатли ва экологик оқиллик билан ҳамоҳанг тарзда, кўзда тутмоқликлари даркор. Акс ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиий мұхиттга катта зиён етказиши мумкин. Натижада, биз, келажак авлодга гуллаб-яшнаш имконига эга бўлган ижтимоий мұхитни эмас, аксинча, сувсиз чўл ҳамда сахроларни, қовжираб ётган ерларни мерос қолдирамиз.

Барқарор ривожланиш концепцияси ўз олдига бир-бири билан узвий боғлик бўлган кўпгина вазифаларни қўяди. Уларнинг асосийлари: 1) начорликка қарши кураш, уни тугатиш масалалари; 2) янги иш ўринларини яратиш; 3) табиий мұхитни тиклаш ва сақлаб қолиш; 4) соғлиқни сақлаш, аёллар ва болаларнинг ҳаётий шароитларини яхшилаш; 5) кишиларнинг турмуш фаро-

вонлигини ошириш ва ҳоказолардан иборатдир. Барқарор ривожланиш кенг тушунча бўлиб, у юкорида кўрсатилганларни камраб олибгина қолмай, балки, уларни ҳал килинишининг ташкилий масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Барқарор ривожланиш гоясига 1972 йилда, Стокгольмда бўлиб ўтган, инсонни ўраб турган, ташки мухит масалаларига бағишлиланган, биринчи Халқаро анжуманда асос яратилди. 1983 йилда, БМТ, Ташки мухит ва тараққиёт халқаро кўмитасини тузди. Орадан тўрт йил ўтгач, бу кўмита ўзининг, дастлабки, «Бизнинг умумий келажагимиз», деб номланган, ҳисоботида инсоният ўз ишбилармонлик фаoliyatini ва турмуш тарзининг кўп жиҳатларини ўзгартирумоги керак, деб огохлантириди. Акс ҳолда, инсоният олдида оғир синовлар ва ташки мухитнинг кескин ёмонлашуви кутилмоқда, дея таъкидланди.

Брутланд кўмитаси (БМТ Ташки мухит ва тараққиёт кўмитасининг раиси – Г.Х.Брутланд номи билан аталган) фикрига кўра, иктисадий соҳа кишиларнинг эҳтиёжларини ва конуний талабларини қондириши керак, лекин, иктисаднинг ривожланиши Ер куррасининг экологик имкониятлари чегарасидан чиқиб кетмаслиги лозим. Шундай қилиб Кўмита, барчани, ташки мухит учун хавфсиз бўлган иктисадий ривожланишнинг янги асрига чақириди.

1992 йилнинг июнь ойида, Рио де Женейро шаҳрида, БМТнинг ташки мухит ва тараққиётга бағишлиланган, анжумани бўлиб ўтган. Бу анжуманда дунёнинг 179 давлати қатнашиб, «XXI асрнинг кун тартиби», деб номланган Декларацияни қабул килдилар. 700 бетдан иборат, бу, дастурда барқарор ривожланишнинг барча жиҳатлари ёритиб берилган. Декларация икки масалани: а) ташки мухитнинг юкори сифатлилиги ва б) бутун дунё ҳалқлари учун соғлом иктисадни яратиш максадлари йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини ўз ичига олади. «Барқарор ривожланиш» тушунчаси эса, «XXI аср кун тартиби» дастурида, қашшоқлик ва ташки мухитнинг емирилишига қарши кураш услубидир, дея таъриф берилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу Декларацияга қўшилган.

Бугунги кунда атроф мухитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда мухим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиқкан ҳолда, куйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни

Узбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.<sup>1</sup> Масалан, ҳозирги замонда, бутун сайёрамиз миқёсида, вужудга келган экологик вазият ҳам жамият фаолиятининг табиатдаги инъикосидир.

## ЕР ШАРИ ХАВФ ОСТИДА

Шуни тан олиш лозимки, баъзи вазиятда мажбуриятлар хуқуқларга нисбатан олдинроқ пайдо бўлиши керак, айни шу ҳолат гарбда экологик инқирозни келтириб чиқарди. Дунё миқёсида биз билган энг бадгумон олимлар сайёрамизнинг борйиги эллик йиллик умри қолган деб ҳисоблашмоқда. Улар фикрмулоҳаза юритища бағоят эҳтиёткор бўлганилари ҳолда, агар аҳвол шу зайлда кетаверса, эллик йилдан кейин ер юзида ҳеч қандай хаёт қолмайди, дейишмоқда. Аксарият олимлар инсониятга атиги уч йил, нари борса ўн йил умр ажратишмоқда. Энг “инсофилилари” ҳам ўн беш йилдан у ёғига ўтишмаяпти. Бу энди ҳар бирининг ўз мушоҳадасига боғлиқ. Борингки, бу олимлар башариятга юз ёки минг йил беришган тақдирда ҳам инсон зоти шунга рози бўлиб қолавериши керакми?

Мабодо кейинги ўн йил мобайнида ҳукуматимизда муайян ўзгаришлар рўй бермаганида сиз ўқиб турган шу ахборот ҳам дунё юзини кўрмасди. Ҳукуматлар гарчи бизга ҳамма нарсани билишга рухсат беришмаса ҳам ҳар қалай ўзгаришларга дуч келищи ва соғ ҳаёт билан ҳамкорлик қила бошлишди. Бироқ, улар барibir биз мавжуд вазиятдан тўлиқ хабардор бўлишимизга имкон беролмаяптилар, чунки у ҳолда ҳамма «Э, менга нима!» деб ўз ишини йиғишириб кўйишига ва бу ҳол тўлиқ тартибсизликка олиб келишига ишончлари комил эди. Барча нарсага кўл силкигандан кўра йигинчоқликнинг пайти эмасмикан ҳозир? Инсон онги улкан куч-кудратга эга. Биз нима қилишимиз кераклигини била оламиз. Биз – инсоният оддий дунё биз ҳақимизда билганидан ҳам каттарок, умидлироқ хилқатмиз. Келинг, ҳаётимизнинг соя, коронгу томонлари тўғрисида ҳам бир

<sup>1</sup> Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчлилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasи. 2010 йил, 16 ноябрь.

гаплашиб олайлик. “Тайм” журналининг 1989 йил 2 январь сонига назар ташлайлик. Ва ниҳоят, 1988 йилга келиб жаҳон маҳфий ҳукумати бизга экологик муаммоларга доир айрим ахборотлар билан танишиб чиқишимизга имкон беришга карор килди. Бу шу мавзуда дунё бўйича дастлабки катта чиқиш эди. “Тайм” журнали йил одамини танлаш анъанасидан воз кечиб, бутун Ер шарини “Йил сайёраси” деб эълон қилди. Журналинг шу сони бошдан-оёқ ҳалокатта учраётган Ер шари ва унинг муаммоларига бағишиланди.

Агарда сиз мазкур муаммолар 1989 йили қай тариқа берилгани билан танишганингизда ва улар ҳозирги чиқишиларда қандай ёритилаётгани билан киёслаганингизда ўша пайтда – 1989 йили ҳақиқати бизга етарлича ёритилмаганини тушунган бўлардингиз. Ўтанди бизга берилганлари ҳақиқатнинг урвоги эди, холос. Бироқ, ҳатто шу туфайли ҳам басир кўзлар очилди, биз Она Еримизни қандай аянчли аҳволга келтириб кўйганимизни англаб ета бошладик.

Бу ўринда Ер сайёрасининг айрим муаммоларини кўриб чиқамиз, холос. Ҳолбуки, Ерга ҳозирдаёқ кўплаб турли-туман сценарийлар (ҳалокат йўналишлари) таъсир ўtkазиб турибди. Мабодо ана шу Яратганинг ўзи инъом этган тизимларнинг ақалли биттаси ишдан чиқса ҳам пировард оқибатда сайёрадаги бутун ҳаёт ҳалокатга учраши мукаррар. Ваҳоланки, ҳозирги дақиқада барча табиат тизимлари ишдан чиқиш ёқасида турибди – масала улардан қай бири биринчи бўлиб бузилишида қолган, холос. Ушбу тизимлардан биттаси бузилса бас, якуний натижада қолган ҳаммаси бузилади ва Ер юзида инсон ҳаётидан номнишон қолмайди. Сайёра ҳалокатга учрайди ва биз Миррих ёки динозаврлар сингари йўқ бўлиб кетамиз.

Яқин ўтмишда, XX аср бошларида Ер шарида 30 миллиондан зиёд жонли организм яшарди. 1993 йилга келиб, улардан 15 миллионга яқини қолди, холос. Ҳаётнинг мана шу шаклларини яратиш учун миллард йиллар керак бўлган ва қандайдир юз йил ичида – фазовий миқёсда олганда кўз очиб юмгунча ер юзидаги ҳаётнинг нақ ярми қирилиб кетган! Ҳозирги вактда ҳар бир дақиқада Ер юзининг қаеридадир жонли мавжудотларнинг 30га яқин тури буткул йўқолиб кетаяпти. Башарти сайёрамизга фазодан туриб қарай олганингизда курраи

заминимиз талвасада жон берәтганига гувоҳ бўлардингиз. Бирок биз гўё ҳеч нима юз бермаётгандек бемалол, хотиржам яшаялмиз. Мол-дунё орттириш йўлида елиб-югурамиз, турли маркадаги машиналарда сайд қиласиз, устига-устак «Биз ҳакмиз» деб ўзимизни алдаганимиз-алдаган. Бокибекамлик, тепса-тебран-маслик бундан зиёда бўладими, ахир?! Бироқ, очигини айтганда, Ер шарида ҳаёт-мамот масаласи кўндаланг бўлиб турибди ва муқаррар ҳалокатни факат айrim кишиларгина жиддий тушунаётгандек кўринади.

90-йиллар аввалида атроф мухитнинг улкан муаммоларини муҳокама қилиш, бутун дунё вакиллари Рио-де-Женейрога тўпланишганида инсоният глобал хатарни сал-пал ҳис этди. Бу муаммолар шу қадар жиддийки, унинг ортидан бошка, янада жиддийрок муаммолар келиб чиқмоқда – биз ўз-ўзимизни умумжаҳон молиявий танглигига дучор қилдик ва шундан кейин Ер шари аҳолисининг катта кисми очлик ҳамда бошқа муаммоларни бошдан кечирмоқда. Аслини айтганда-ку, атроф мухитни согломлаштириш учун етарли маблагта эга эмасмиз. Аммо бу ҳол кўл қовуштириб ўтиришимиз учун етарли баҳона бўла олармикан?

1992 йили жаҳондаги барча мамлакатларнинг вакиллари атроф мухит муаммоларини муҳокама қилиш учун Рио-де-Женейро шаҳрида “Ер саммит”ига тўпланишди. Инсоният бешиги бўлган она сайдерамизни йўқотиб қўйишдек улкан хавф-хатар кўндаланг турганлиги боис ҳам бу йиғилишга жаҳон тарихида илк бора энг кўп миқдордаги давлат раҳбарлари таклиф этилган эди. Уларнинг кўпчилиги етиб келди, лекин дунё миқёсида табиатни энг кўп ифлюслантирувчи давлат – АҚШ бу анжуманда иштирок этишини истамади. Унинг сиёсий раҳбарлари пул, иш ва иқтисодиётни Ер сайдераси омон қолишидан ҳам мухимрок, дейишлари ҳеч кимга сир эмас.

Беш ой ўтгандан сўнг, 1992 йил 18 ноябрда “Жаҳон олимлари инсониятни огоҳлантиради” номли ҳужжат эълон қилинди. 71 мамлакатдан 1660 дан зиёд етакчи олимлар, шу жумладан ҳозирда ҳаёт бўлган Нобель мукофоти нишондорларининг ярмидан кўпроги бу ҳужжатга имзо чеккан. Бу эса дунё қачонлардир тадқиқотчиларнинг шундай кучли гурухидан олган энг хавотирли огоҳлантириш эди. Сиз дунё бу ҳужжатга катта

ишенч билан караган ва уни дикқат билан ўрганиб чиқкан бўлса керак, деб ўйлаётгандирсиз, ҳойнаҳой. Ўша хужжат қуидагича бошланади: «Кишилик жамияти билан табиат ўзаро зидлашув ҳолатларига келишди. Инсоният фаолияти атроф-муҳитта ва унинг ҳаётий жиҳатдан муҳим бойликларига улкан ва аксари ҳолларда тузатиб бўлмас зарар етказмоқда. Агар биз кундалик ҳатти-ҳаракатларимизнинг кўпчилигини назорат остига олмас эканмиз, улар инсонлик жамияти, наботот ва ҳайвонот оламларига биз истаётган келажакни жиддий хавф-хатарга кўяди, колаверса, у тириклик дунёсини шу қадар ўзгартириб юбориши мумкинки, пировард оқибатда бу дунё ҳаётини биз билган ҳозирги йўналишпимиз олиб бориши мумкин бўлган зиддиятлардан қочишни истасак, зудлик билан туб ўзгаришлар килмоғимиз даркор»<sup>1</sup>.

Шундан кейин мазкур хужжат-огоҳлантиришда сув, уммонлар, тупроқ, атмосфера ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонлар кирилиб кетаётгани, ер юзи аҳолиси ҳаддан зиёд кўпайиб кетаётгани каби энг танг вазиятлар санаб ўтилади. Сўнгра катъян шундай дейилади: “Каршимизда турган хавф-хатарни бартараф этиш имконияти йўқолиб, инсоният келажаги бекиёс даражада ёмонлашиб кетгунига қадар бир ёки бир неча ўн йилликлар қолди, холос. Биз, қуида имзо чекаётган олимлар, жаҳон илмий ҳамжамиятининг илғор қисми мазкур хужжат орқали бутун инсониятни бизни нималар кутиб турганидан огоҳлантирияпмиз. Агар биз башарият бошига тушадиган улкан азоб-уқубатларга ва шу сайёрадаги умумий уйимизга тузатиб бўлмас зарар этишига йўл қўймасликни хоҳлар эканмиз, Ерга хизмат кўрсатишимида ва унда кечәётган ҳаётимизда туб ўзгаришларни амалга оппирмоғимиз зарур”<sup>2</sup>.

Таассуфлар бўлсинки, Ер шарида хар қачонгидан ҳам юксак мақомда ўтган бу илмий анжуманнинг огоҳлантиришига дунёнинг катта қисми дикқат-эътибор бермади. Ҳа, инсоният бошидан дўпписини олиб, яхшилаб ўйлаб кўриши, «Аҳвол шу даражада танг экан, ҳамма ишни тўхтатиб, зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўриш керак!” дейиши зарур эди!

<sup>1</sup> БМТ МРМ статистик маълумотидан.

<sup>2</sup> БМТ МРМ статистик маълумотидан.

Бирок ҳукуматлар яхши билишадики, бу тангликни бартараф этиш учун ҳаёт тарзини ўзгартириш даркор, бу эса сиёсий жиҳатдан нокулайликлар туғдиради. Шундай “ноўрин” таклифлар килаётган одамларнинг ҳолига тушив қолишни эса биронта сиёсатчи ҳам истамайди. Сиёсатчиларнинг фикрига кўра, агар табиатни ифлослантириш тўхтатилса, иқтисодиёт қаттиқ шикастланади, ҳатто вайрон бўлиб кетиши эҳтимоли бор. Бинобарин, ҳозирда кечაётган жараён бойликнинг ҳаётга қарши урушидан бошқа нарса эмас. Бу даҳшатли ҳол, албатта. Лекин уни тан олмай иложимиз қанча?

Ҳа, бугунги кунда барчани ташвишга solaётган экологик муаммоларни бартараф этиш, ҳалқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Атмосфера ҳавосини трансчегаравий муҳофаза қилиш умумжаҳон экологик муаммолардан саналиб, 1979 йилда қабул қилинган БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ВИК) Атмосфера ҳавосининг узок масофаларида трансчегаравий ифлослантиришга қарши курашишда ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун асос яратди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш, унинг минтақавий даражадаги оқибатларини ўрганиш ва мониторинги ҳамда чиқиндиларни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиши соҳасида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таъминловчи асосий ҳалқаро келушувлардан бири ҳисобланади. 1984 йилдан бошлаб то ҳозирги даврга қадар олтингугурт (олтингугурт диоксиди), азот оксидлари, учинчи органик бирикмалар, оғир металлар ва барқарор органик ифлослантирувчи чиқиндилар ҳамда трансчегаравий оқимларнинг қисқартирилишига қартилган саккизта протокол қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг ҳам ҳаво ифлосланишига қарши кураш ва ҳавонинг сифатини назорат қилиш соҳасида ўз стратегияси мавжуд. Давлатимиз 1992 йил 8 февралдан МДҲ давлат бошликлари имзолаган битимга мувофиқ тузилган МДҲ мамлакатлари Давлатлараро экология кенгашининг тўлақонли аъзосидир. Ўзбекистон ҳукумати томонидан экологик муаммоларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Бирок, Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар билангина умуммinta-

қавий экологик муаммоларни тұла ечиб бўлмайди. Бунинг учун Марказий Осиё давлатларининг барчаси бу кутлуғ йўлда бирлашишлари керак!

Нима учун барча тирик мавжудот ёши ўтган сайн карииди? Нима учун касалликлар ривожланади? Касалликнинг асл моҳияти нимада? Касалликнинг белгиларини эмас, ўзини кандай даволаш мумкин? Мазкур китобча асосида мана шу ва бошқа муаммолар ҳақидағи ўйлар ётади. Гарчи табиат ҳаёт механизмларимизнинг шартли бўлишига ўтибор бермай, ўзининг барча қонунларидан бирваракай фойдаланса ҳам, биз илм-фани шартли равишда киме, физика, биология, тиббиёт ва шу кабиларга бўламиз. Ҳодисаларнинг, айниқса, ҳаёт каби мураккаб жараённинг асл сабабларини ўрганиш учун мана бу кисми биология ёки физикага, бошқаси тиббиёт ёки физиологияга тааллукли демай, муаммони ҳар тарафлама ўрганиб чиқиши зарур. Факат шундагина турли экологик ҳалокатлар, айниқса, онкологик, вирусли, кон томирларга оид, диабет, шизофрения ва бошқалар билан курашиш муаммоларини муваффакиятли ҳал этса бўлади. Инсон ҳамма нарсани мукаммал даражада кенг ва чуқур била олмаслиги боис, ушбу китоб жавоб беришга нисбатан кўпроқ саволлар қўяди.

## БЕХОСИЯТ ЖОЙЛАР ЁХУД ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ

Экологик ноқулайлик ёки сурункали касалликлар келиб чиқишининг сирли сабабларидан бири турар жой ёки иш жойларининг геопатоген зона (ГПЗ)ларда жойлашганидадир. Бундай ерлар барча ҳудудларда кадимдан маълум бўлиб, халқ тилида “бехосият жойлар” деб аталади. ГПЗлар ер остидаги сув оқимлари Ер қобигининг ёриклари, геологик синиклар, сунъий равишда ҳосил қилинган бўшлиқлар (масалан, конлар ўрни)ни кесиб ўтиши оқибатида вужудга келади.

Геопатоген нурланишлар устун шаклида кўтарилиб, ҳеч кандай тўсикка учрамай, кўп каватли уйларнинг энг охирига ҳам бемалол етиб боради. Бундай жойларда организмнинг иммун (химоя) тизими ишдан чиқади, қувват меридианларининг фаолияти кескин равишда бузилади, ауранинг шакли ўзгаради, ҳаётий жиҳатдан мухим бўлган қувват чакраларининг иши издан

чикиб, организм ташқи мұхит шароитларига мослашуви ҳамда қаршилик күрсатиши учун имкон бермайды. Уйлар ва ишхоналар ГПЗ чегарасида жойлашған ерларда ва уларнинг атрофида одамлар тез-тез оғир касаллікларга чалинишади. Россия шифохоналаридан бирининг олимлари юрак, қон-томир, саратон, қандли диабет, сил каби хавфли касалліклардан азоб чекувчи 900 га яқин кишининг турар жойларини аниқлашганида, беморларнинг 49 фоизи ГПЗ да жойлашған уйларда, 51 фоизи эса ГПЗ чегарасида жойлашған уйларда яшашы маълум бўлди. Кўплаб тадқиқотлар ер қаъридан чиқувчи заарарли нурланишлар саратон, белуштлик, ревматизм, артрит, сил, бўқоқ, бош оғриғи, безгак, уйқусизлик, сурункали толикиш ва бошқа турли хил сурункали хасталиклар ривожланишида жиддий роль ўйнашини кўрсатди.

ГПЗ нинг одамга таъсиридаги дастлабки белги-аломатлар бош оғриғи, уйқусизлик, бош айланиши, босинқираш, хавф-хатар туйгуси билан уйғониш, қўзғалувчанлик ортиб кетиши каби ҳолатлардан иборат. Бехосият жойдан олиб кетилмаган бемор тузалмайди, дард эса борган сари зўраяверади. Агар асабийлашувингизга ҳеч қандай сабаб бўлмаса, ёмон ухласангиз Одамнинг тўсатдан боши айланиб, кўзи тиниб кетиши ҳам унинг ГПЗҳудудига кириб қолганидан далолат беради.

Иложи бўлса, ётк жойини ГПЗчегарасидан дарҳол олиб чиқиши, ундан ҳимоя қилувчи материалларни зудлик билан излаб топиш керак. ГПЗни аниқлаш ва организм қуввати билан боғлиқ бошқа масалалар “Мадади Сино” соғломлаштириш академияси ҳамда “Ўзбекистон Чернобилчилари” уюшмасининг Даволаш-соғломлаштириш маркази мутахассислари томонидан ҳал қилинади. Бу ерда инсон ва турар жойнинг биологик энергетикаси муаммолари бўйича мұхим тавсия ва кўрсатмалар берилади.

Масалан, бемор билан сеанс ўтказилиб, биомайдон, чакралар, организмга кирувчи-чиқувчи қувват оқимлари, биологик қувват ва унинг патологияси тўғрисида тушунча берилади. Сеансларда собиқ шўро Иттифоқининг (МДХ) қошида тузилган маҳсус “Верешчагин турухи”нинг ошкор этилган илмий ишлари: ҳаким ва НАСА руҳиятшуноси Барбара Энн Брэннан; Хитой императорлари – ДАО табиблари, хинд йогалари (Рожа йога), инсон энергетикаси бўйича қадимда сўфийлар қўллаган зарур

муолажа амаллари қўлланилади. Беморнинг биоэнергетик ҳолатига ташхис қўйилади, тешилган чакраларининг иши патологик биоқувватни ижобий-фазовий қувват билан алмаштириш оркали тикланади ва бошқа ишлар бажарилади. Биринчи қабул 40 – 60 дақиқа давом этади.

Бемор билан сеанс ўтказилади. Асосий қувват меридианлари тикланади, назорат ташхиси қўйилади. Инсонни қувватхўрлик (вампиризм) ва бошқа хил қувват тажовузларидан муҳофаза қилишни таъминлаш учун кўшимча равишда 4 та (оёк-қўллардан 2 тадан) чакра очилади ҳамда мижознинг қони-лимфасига фазовий қувват, муқаддас жойлар қуввати «қўйилади». Қайтадан ташхис қўйилади ва дайди патоген қувват эфир танадан олиб ташланади. Якуний ташхис дастлабки ташхис билан киёсланади, мижоз бундан кейин қувват тажовузидан қандай сакланиши кераклиги тушунтириб берилади. Иккинчи қабул 40 дақиқа ва ундан кўпроқ давом этади. Сеанслар ҳар бир bemor билан алоҳида ўтказилади.

Иккинчи қабул бошланишида bemor маълум шартларни бажарган ҳолда уйидан келтирилган сув асосида уйда, айниқса ётоқхонада аввал шу уйда яшаган одамлардан, мархумлардан қолган, сотиб олинган, совға қилинган ва мерос бўлиб ўтган жихозлар ҳамда бошқа хил уй-рўзгор анжомларидан келувчи биологик патоген қувват бор-йўклиги аниқланади. Бундан ташкари, яна шу сув асосида турар жойдан ўтган геопатоген зона мавжудлиги аниқланади, агар у бор бўлса, мутахассис уйга бориб, барча хил салбий қувватларни ўша жойда аниқлаши таклиф этилади. Бу ишлар биорамка ҳамда турар жойларни зарарли қувватлардан тозалашда қўлланадиган маҳсус асбобускуналар ёрдамида бажарилади, мижозга геопатоген нурланишлардан химояланиши усуслари тушунтириб берилади.

Мазкур тадбир 40 дақиқадан 1,5 соатгача давом этади. Хусусий ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ҳам зарарли қувватлардан ана шу тарзда тозаланади. Соғ экологик ҳаётта интилиш ГПЗнинг салбий қувватини кесади. Уй-ҳовлиларда тўпланиб қолган чиқиндилар худуди ҳам ГПЗ зонаси хисобланади.

Зарур ҳолларда инсон танасига бегона салбий таъсиrlар кириб олгани билан боғлиқ бошқа хил қувват муаммолари ҳал

этилади, мистика ва ботиний илмлар бўйича маслаҳатлар берилади. Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистондаги уруш ҳамда Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатиш қатнашчиларига бепул хизмат кўрсатилади ёки мижознинг имкониятига қараб даво тадбирлари ўтказилади. Заарли нурланишлар ва салбий кувватлардан сақланишга доир муҳим тушунча ва амалий малакалар шакллантирилади. Энг муҳими, заарли таъсиrlардан ўзингизни ўхтиёт қилинг!

## ЭКОЛОГИЯ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Техника ва технология тараққий этган бугунги кунда кўчалар ва автомагистрал йўлларни автоуловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Танганинг икки томони бўлганидек, бизга қулийлик келтираётган барча яхши воситаларни маънавий, моддий ёки саломатлик билан боғлиқ салбий жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, автоуловларнинг инсонга бераётган фойдаларини инкор этмаган ҳолда унинг саломатликка салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Францияда ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижасига кўра, кўнглилар француздар экология тозалиги йўлида, машиналардан воз кечиб, жамоат транспортлари ёки велосипеддан фойдаланишга ҳам рози. Ҳатто пиёда юриш тарафдорлари ҳам бор. Бу сўровнома натижасига кўра аниқланган. “Objectif transport public” иқтисодиёт Ассоциациясининг буортмаси билан TNS Sofres компанияси ўтказган ушбу сўровномада, 84 фоиз француз жамоат транспортидан фойдаланишга тайёр, 82 фоизи эса, серқатнов кунларда шахсий автомобилдан фойдаланмаслихни ёқлаган. «Эркакларга нисбатан аёллар бу ишда анча илғор», дейди TNS Sofres вакили Брис Тентюре.

Европа Иттифоқида экология муаммоси жиддий тус олган. Шу боис, ҳозирда артоф-муҳит тозалигига зарари кам бўлган машина ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини (ЁММ) ишлаб чиқиши долзарб масала бўлиб турибди. Ушбу масаланинг кичик ечими сифатида ишлаб чиқарилган ЁММ нинг янги авлоди G-Oil таклиф қилинмоқда. У синтетик ёки нефть маҳсулотларидан эмас, асосан ҳайвон ёғидан олинган кимёвий қўшимчалар асосида тайёрланади. G-Oil ёғлари тупроққа тўкилган тақдирда ҳам зарар

етказмайди. Ҳатто бундай ёғ билан «ифлосланган» майдонларда соглиғидан ташвишланмасдан, бемалол ҳайвонларни ўтлатиш мумкин. Ундан ташкари, мазкур мойларнинг идиши ҳам бир марталик эмас. Идиш устидаги маълумотлар эса, табиат тозалигига зиён етказмаслик мақсадида, соя сиёҳида ёзилган.

Хитойда эса экология ҳавас қиласидиган даражададир. Лекин биз айтмоқчи бўлган ҳавас ҳам анча мунозарали. Чунки бу электробайклар билан боғлиқ. Экспертларнинг фикрича, Хитойни ёқилғи инқизотидан электробайклар (электр токи билан ҳаракатланувчи велосипед) кутқариши мумкин. Шу туфайли, эндиликда оддий велосипедлар ўрнини атроф мухитни ифлослантируйдиган “индамас” электромоторчалар эгалламоқда. Ўтган йилнинг ўзида, Хитой кўчаларида уларнинг сони 19 миллиондан ошиб кетган.

Экологлар эса катта миқдордаги қўргошин қўймасини ташиб юрувчи мазкур электробайклардан бутунлай мамнун эмаслар. Чунки, қўргошин каби заҳарли модда ҳам инсон соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Россиядаги ҳолат ҳавас қиласидиган даражада эмас. Автоловуларнинг тирбандлиги (пробка) катта шаҳарлар осмонида хунук манзара касб этади. Худди булат сузуб юргандай бўлади. Бундан Туркия шаҳарлари ҳам мустасно эмас. Россия каби айрим мамлакатларда куз келганини экология бузилишидан билиб оладилар. Бурксиб ётган тутун ва димоғни бўгувчи хид, одатда, шаҳарликлар учун куз келганидан дарак беради. Тўкилган япроқлар тўплаб ёқиларкан, одамлар кўпинча килаётган ишларининг ўзлари учун қанчалик зарарли эканлигини фаҳмламайдилар. “Куруқ ўтинни ёқиши жараёнида жуда ҳавфли бўлган диоксин моддаси ажралиб чиқади, - дейди экология инспектори Пётр Полищук, - Ўзи шундоқ ҳам ҳавода заҳарли моддалар тўлибтошиб ётибди. СО ва азот оксидлари буларнинг энг кўп тарқалгани ҳисобланади. Ёқиши ўрнига, япроқларни бир жойга тўплаб, ҳўллаб, кўмиш керак. Ўшанда чиқиндилар маълум вақт ўтгач тайёргина ўғитга айланади.”

Диоксиннинг заҳарлилик даражаси анча юкори. Аммо таъсири секинлик билан юзага чиқади. У ошқозон-ичак йўли орқали инсон танасига киргач, ошқозон ости бези, ўпка ва иммун

тизимини заарлайди. Юрак бўлмалари атрофи, қорин ва кўкракда катта-катта шишлар келтириб чикаради.

Диоксиннинг танага кириши, кўпинча хавфли ўсма ва бошқа қатор оғир касалликларнинг келиб чиқишига замин ҳозирлайди. Баъзан эса, хромосомаларнинг бузилишига ва ҳомилада бир қатор нуксонлар пайдо бўлишига олиб келади.

Технологиянинг ривожланиши натижасида табиий жараёнларга таъсир кучайди, инсон манфаатларига мос равища табиий мухит унсурлари сунъий мухит билан алмаштирилди. Бундай техникавий ёндашув табиатни инсон ўз иродасига бўйсундиради, деган антропоцентрик қарашга асосланган. XX аср охирига келиб, инсон томонидан яратилган сунъий техносфера Ер биосфераси билан тенглашди. Бунда сунъий техномасса табиий биомассадан ошиб кетди. Ҳозирги замон оламшумул муаммолари ва янги ижтимоий-маданий детерминациялар анъанавий экология воқеликни акс эттирувчи парадигмаларни тубдан ўзгаририб юборди.

XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик муаммоси янада кескинлашди ва уни ҳал қилишнинг янги парадигмаларни яратишга мажбур килди. Бу парадигмалар замонавий цивилизация асосларини ифодалаб, инсонпарварлик руҳи билан сугорилган. Булар «оламшумуллик» ҳисси (А. Печчеи), «витал кадрият» (Орtega-и-Гассет), «барқарор ривожланиш» концепцияси ва бошқалардир.

Минг йиллар давомида эволюция натижасида жонли табиатда динамик мувозанатдаги система-биосфера юзага келди. Инсоннинг амалий саноат ва ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан унинг табиий мухитда содир бўлган боғланишларга фаол таъсир этиш миёси кенгайиши оқибатида, биосферага путур етказилди, табиий жараёнлар мувозанати бузилди (сув ва ҳаво мухитининг, ер қатламиининг заҳарланиши, ўрмонларнинг камайиши, чўлларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар). Буларнинг ҳаммаси экология олдига табиатга оқилона таъсир этиш чегараларини аниқлаш вазифасини кўяди, чунки унинг мувозанатли система сифатида яшashi инсониятнинг яшаш шароитининг табиий негизини ташкил қиласди.

Табиий мұхит – ҳаёт ва инсоният маконидир. Табиат ниҳоятда мұкаммал бўлиб, унинг бир маҳсули иккинчисига озуқа ҳисобланади ва кўпайишга имкон беради.

Техника тараққиёти табиий бойликлардан фойдаланишини ва табиий мұхитни заҳарловчи моддалар билан шикастланишини меъёридан ошириб юборди. Оқибатда табиий мувозанат бузилмоқда. Ҳаво, сув ва тупроғи ўзгарган, бузилган ҳудудлардаги ўрмонлар йўқолиб, уларнинг ўрнини чўллар ва саҳролар эгалламоқда. Ёввойи ҳайвонлар, баликлар ва қушлар қирилиб бормоқда, инсоният саломатлигига зиён етмоқда. Шунинг учун ҳам табиатни мухофазалаш ишлари давримизнинг сиёсий, иқтисодий, техник ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бирига айланди. Табиат қонунларига зътиборсизлик оқибатида ҳалқ хўжалигига зиён етмоқда, ернинг чўкиши ва сурилиши, сел каби ҳавфли ҳодисалар кўпаймоқда, ичимлик сувларининг ифлосланиши эса сув танқислигини юзага келтирмоқда.

Ислом таълимотида экология муаммосига алоҳида зътибор берилган. “Фурқон сураси”нинг 2-оятида: “Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мұкаммал қилди”, дейилади. Яъни дунёдаги ҳар бир нарса-сув ҳам, тупроқ ҳам, ҳаво ҳам, ҳайвонот олами ҳам, набодот олами ҳам Аллоҳ таоло томонидан мұайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро бөглиқ қилиб яратилган. Агар бу мувозанатлик бузиладиган бўлса, табиат учун, шу жумладан, инсон учун ҳам жиддий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли ниҳоятда кагта.

Аллоҳ таоло илохий китобларида инсонни улуғлаб, унга табиатни асраб-авайлаш, ўз неъматларидан баҳраманд бўлиш, уларни нобуд қилмай, эзгу мақсадларга ишлатишни амр этган. “Аъоф сураси”нинг 56-оятида Парвардигор шундай деб амр қиласи: “Обод қилиб кўйилган ер юзида бузғунчилик ишларини қилманг”.

Ислом таълимотининг етук намояндадаридан бири, 4 жилди “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” ҳадисларини ёзган Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий ҳам табиат ва унинг неъматлари хақида, табиат инъомларининг инсон учун яратилганлиги ва улардан оқилона фойдаланиши, кўчат экиш, ер ҳайдаш ва ижарага бериш, ўлик ерни жонлантириш, сув, ов ва ов неъматларига шукр айтмоқ ҳақида китоб ёзганлар.

Ал-Бухорий ҳадислар тўпламининг 2-жилди, 1-бобида экин ва дараҳт экишнинг фазилати ҳақида шундай ёзилган: Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиласидар: “Расууллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам”: “Қайси бир мусулмон бирор дараҳт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, куш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилур” деб марҳамат қиласидар”.

Эндилиқда инсоният ўзининг кейинги асрлар мобайнидаги фаолияти туфайли содир бўлган ҳалокатли жараёнлар миқёсини сезмаслиги қийин. Шу маънода экологияни инсониятнинг анча кечикиб бўлса ҳам уйғонган виждан азоби деб таърифлаш мумкин. Чиндан ҳам, Хиросима фожиаси, Чернобиль ҳалокати каби аянчли ҳодисалар инсоният қалбида чукур жароҳат қолдиргани, озон қатламинининг сийраклашиб кетгани, иқлимининг ўзгариб кетаётгани, тропик ўрмонларнинг заарланаётгани, ёнгинилар ва сув тошқинлари, ер, сув, ҳавонинг ифлосланиб кетгани, цунамилар, кимёвий ва бактериал уруш синовлари каби фактларни санаб тутатиб бўлмайди ва буларни кўриш учун энди олим бўлиш ҳам шарт эмас.

Ушбу жараёнлар инсоният олдига бундан буён Ер юзида яна қанча яшаш мумкин? деган масалани қўяётгани эндилиқда ҳеч кимга сир эмас. Чунки энди гап нафақат табиий бойликларнинг, энергия манбаларининг камайиб, йўқолар даражага етгани, табиатнинг заҳарлагани, балки инсон бу муҳитда ҳатто тоза ҳаво билан нафас олиш имкониятидан, тоза озуқа манбаларидан маҳрум бўлаёзгани ҳақида, бутун бошли дарёлар, ўрмонлар йўқ бўлгани, денгиз, океанлар, еру кўк, тошу тупроқ тиклаб бўлмас зарар кўргани ҳақида кетмоқда. Яъни, инсоният интеллектуал қобилияти ва цивилизацияси қанча ривожланса, унинг ўзи қуладиган чоҳ шунча катталashiб, чукурашиб бориши, техника эса табиатни эксплуатация қилиш воситасидан инсониятнинг ўзини вайрон этиш қуролига айланиб кетавериши маълум бўлмоқда. Илм-техника инқилоби инсониятга, жуда катта ютуқлар ва қулийлар билан бирга, салбий оқибатлар ҳам олиб келди. Инсон илмий-техника ютуқларидан ўз амалий фаолиятида кенг фойдаланиб, табиатта таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги долзарб глобал муаммолар: экологиянинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, Ернинг исиши натижасида об-

хавонинг ўзгариши, турли касалликларнинг пайдо бўлиши бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон шароитида Орол денгизининг қуриши унинг атрофида жойлашган ҳудудлар экологиясини ёмонлаштирумокда, кургоқчилик ва касалликларни кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Фан ва унинг асосида авж олган технологияларнинг салбий оқибатлари кенг ошкор бўлди, экология муаммолари энг долзарб муаммоларга айланди. Бу эса, ўз навбатида, инсон маънавий маданияти, унинг ички дунёси, руҳияти масаласига жиддий эътибор беришга, инсон ўзининг нобаркамоллитини бартараф этиши ва баркамол жамият қуриши керақлиги ҳақидаги гояларнинг олдинга сурилишига олиб келди.

Ҳатто рационализмнинг асосий намояндалари бўлган олимларнинг ҳам содир бўлган ахволдан руҳлари тушиб кетгани ҳақида таникли швейцариялик файласуф Ю.Бохенский ўзининг “Давримиз руҳияти” мавзусига бағишлиб ёзган мақоласида қайд этади: “Ҳозирги давр фани космик прогрессга бўлган ишончни барбод қилди...”. “Бир неча йил олдин, – дейди у, – мен беш юзга яқин олим ва айни шунча файласуф катнашган бир мажлисда катнашган эдим. Мен олимларнинг ўз меҳнатлари қадр-кимматига нисбатан ишончсизлеклари жуда ортиб кетганидан ҳайратта тушдим, зоро бу ишончсизлик шунчалик кучли эдики, ҳатто мажлисда катнашган файласуфлар уларни фаннинг муайян қадр-киммати йўқ эмаслигига ишонтириш учун зарурат хис этдилар”<sup>1</sup>.

Охиригина ўн йилликда файласуфларнинг кўпчилиги техноген сакраш узок давом эта олмаслиги, ё цивилизация ўзининг чиқиндилари ичидаги урушлар оқибатида ҳалок бўлиши мумкинлиги...ёки у мутлако бошқа ...тараққиёт босқичига ўтиши зарурлиги ҳақидаги холосага келмоқдалар.<sup>2</sup>

Бугун ҳар кандай экологик муаммо кичик бўлса ҳам глобалдир. Чунки, аллақачон табиатнинг яхлит тизим эканлиги барчага маълум бўлган.

<sup>1</sup> Бохенский Ю. Духовная ситуация времени. // Вопросы философии. 1993. №5. 94 -98 б.

<sup>2</sup> Кудряшов В.В. Время ответов. // Интернет журнал “Философские проблемы синергетики” // <http://spkurdyumov.narod.ru/Philos.htm> 2008. Ноябрь.

## ГЕНЕТИК ЎЗГАРТИРИЛГАН МАВЖУДОТЛАР ТАҲДИДИ

Инсониятнинг тараққиёт йўлида, ҳар бир асрда муҳим оламшумул эврилишлар учрайди. Маънавий таҳдид ва ахборот хуружларидан мамлақатимиздаги сиёсий институтлар, колаверса афкор омма яхши хабардор. Бироқ моддий, ижтимоий-иқтисодий хуружлар ва уларнинг оқибатидан кўпчилигимиз бехабармиз. Бундан беш йил аввал Америка ва Ироқ билан боғлиқ уруш тугаши билан Россиянинг қишлоқ хўжалиги вазири Алексей Гордиев АҚШга боради. Маълум даражада бу ташриф Ироқ урушидаги катта оловни ўчиришга бўлган харакат дея изоҳланган. Ушанда россиялик вазир фақатгина ўз ҳамкаси Анн Вениман ва савдо вазири Доналд Эвасон(Евасон)нинг ҳузурида бўлиш билан чекланиб қолмай, у АҚШ мудофаа вазири Дик Чейни билан ҳам учрашган. Россиянинг «Фокус» журнали маълумотига кўра, бу учрашувдан кўзда тутилган мақсад — Генлари Ўзгартирилган Мавжудотлар (ГҮМ) (Genetic Modifitel Organismic-GMO) учун Россиянинг муносабатларини билдириб қўйиш эди. Икки ривожланган гигант давлатнинг вазирлари мұхокама қилган муҳим масала нима? Хўщ, ГҮМ – Генлари Ўзгартирилган Мавжудотлар деганда нимани тушунамиз?

ГҮМ – айнитувчи омиллар (масалан нурланиш) таъсирида генотиплари ўзгартирилган ҳайвонот ёки ўсимлик организмлари, бактерия ёки вируслардир. Ёхуд генотипларидан битта ёки бир нечта генлар гурухи киритилган организмлардир.

Сўнгги йилларда сунъий ранг, шакл ва ҳидга эга бўлган ГҮМ мева-чева расталаридағи табиий кариндошларини деярли сиқиб чиқариб ташлади. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, дунё бўйича ҳисоблаганда, бугунги кунда генетик ўзгартирилмаган ва биологик фаол кўшимчалар кўшилган тайёр маҳсулотларни учратиш қийин: шоколад, кофе, конфетлар, турли пишириклар, колбаса маҳсулотлари, шунингдек, ёғ ва ёғ маҳсулотлари, соя, хушбўйлик берувчи эфиirlар (эссенция), глюкоза ва крахмаллар, турли ранг берувчи моддаларнинг барчаси генетик операцияларни бошидан кечирган. Истеъмолчиларга қишлоқ хўжалигидаги генлари ўзгартирилган маҳсулотлар сони маълум эмас. Фақат кенг кўламда кўлланиладиганларини кўриб чиқсан, улар: пахта, буғдой, гуруч, соя, маккажўхори, кунгабоқар, лавлаги, каргошка, ерёнгок, исмалоқ, пиёз, саримсоқпиёз, тарвуз, қовун, олма, карам, қулупнай ва бошқалар. Албатта бунга кўшимча қилиб улардан олинадиган

маҳсулотларнинг қуидаги рўйхатини ҳам айтиш мумкин: биз сотиб олаётган ва истеъмол килаётган шакар, ёғ, пардоз бўёклари, кир ювиш воситалари, ўғитлар ва матолар...

Генетик комбинациялар нафакат турлараро, оиласлараро, синфлараро, ҳаттокази, ҳукмрон турлараро (масалан, ўсимлик ва хайвон, қурт-кумурска ва ҳашаротлар, балиқлар ва ўсимликлар ўзаро чатиштирилмоқда) кўлланилмоқда. Бунда табиатнинг асосий қонунлари аёвсиз тарзда бузилмоқда. Илгари ҳам таъбан, ҳам шаръян истеъмол қилиниши мумкин бўлмаган (мисол учун, ваҳший ҳайвонлар, заҳарли ўсимликлар, ҳашаротлар, бактериялар, микролар ва ҳоказолар) организм генларидан ген ташувчи сифатида кўлланилишига қарамасдан узок муддатли тест текширувлари ўтказилмади. Маълум вакт мобайнида бу маҳсулотлар истеъмол учун қай даражада фойдали ёки зарарли эканлигини ҳеч ким билмайди. Ҳаттокази айнан ўша яратувчиларнинг ўзлари ҳам билмайдилар.

Генетик комбинациялар оқибатида авлодларимизга акула-помидор, одамтарвуз, чўчқақўй, пашласигир, чаёнбодринг, тикон-картошка, сувараксабзи ва шунга ўхшаш даҳшатли мубҳамлик қандай таъсир қилиши биз учун фожия эмасми?! Келажақда болаларимиз, невараларимиз дум ёки қанот, жабрали ё бўлмаса туёк билан туғилмайди деб ким кафолат беради?! Муқаддас, осмоний Китобларда айтилишича, охир замонда Ер юзига Дажжол, Даббатул арз, Яъжуж-Маъжуж деган маҳлуклар чиқар экан. Ана шу даҳшатли маҳлукларнинг чиқишига инсоннинг ўзи сабабчи бўлмасмикан?! Зеро табиатдаги турлараро чатиштиришдаги тадқиқотларнинг бузилиши шафқатсиз жазоланмай қолмайди.

Мадомики, трансген ишлаб чиқаришга катта-катта маблаглар сарфланиб, ундан илмий, қишлоқ хўжалиги ва саноат ресурслари, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатлар кўзда тутилар экан, бунга карши чиқишига ҳар кимнинг ҳам юраги дов беравермайди. Бунинг учун харажатлар ва жуда узок йиллар талаб киладиган аниқ исбот-далиллар керак.

Афсуски, ГУМ муаммоси факат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чекланмаган. Улар қишлоқ хўжалиги далаларидан чорвачилик ва балиқчилик соҳасига ҳам кириб келган. Норвегия ва Швециянинг улкан ҳовузларида ГУМ операциясига учраган форель ва лосось балиқлари етиштирилмоқда. Улар ўзларининг мсъёрий шароитда ўсан турдошларига қараганда анча йирик бўлиб, 5-6 марта яхши ривожланган ва тез кўпаяди. Бу балиқларнинг

увидириқлари Американинг AF Protein фирмасига тегишли шаҳзода Эдварднинг Канар оролларидағи 136та катта ҳовузларидан таҳминан 20,000-25,000 тонна миқдорда ГҮМ ласослари олинмоқда. У ерда ўтказилаётган ҳар қандай илмий изланишлар АҚШнинг каттық назоратига олинган. ГҮМ етиштиришнинг бутун дүнё миқёсидаги саҳнәсида бош ролни “Франкенштейн” егуликларининг валиненъмати ҳисобланмиш “MONCANTO” фирмаси ўйнайды. Шу нарса диққатга сазоворки, Вьетнам уруши даврида америкаликлар томонидан чангальзордаги дараҳтларнинг баргини тұқиши учун құлланилған “AGENT ORANGE” дефолианті ҳам айнан шу фирманинг маҳсулотидир. Шу дефолиант таъсири оқибатида Вьетнамда хозиргача майиб-мажрух болалар туғилиши қўп учрамоқда, шу пайтгача одамлар машъум заҳарли дори таъсиридан касалтаниб ҳалок бўлмоқдалар. Геронтологик ҳисоб-китобга кўра, бу ерда кекса кишилар кам. Бу ноинсоний фожианинг сабаблари шу вактгача ушбу ҳалокатлар каби очилмасдан қолиши мумкин эди. Лекин ўшандай касалликларга Вьетнамда жанг қилган Америка аскарлари ҳам дучор бўлиши сирни фош қилиб қўйди. Шу туфайли юзага келган жанжал сабаб бўлиб, текширишлар натижасида маълум бўладики, “MONCANTO” “AGENT ORANGE” таркибида инсон генларини ўзгартириб юборувчи диоксин моддасини қўллашган. Маълумки, диоксин Ер юзидағи энг кучли заҳарлардан бири ҳисобланади. Маълумот учун, бир вактлар Италияда ишлаб чиқарилған бу заҳри котил жаҳон жамоатчилиги таъсири, тазиқи остида уруш ҳаракатлари чогида қўлланиши тақиқланишига қарамасдан собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ва бошқа кўшни республикалар пахта далаларида “БУТИФОС” номи билан очиқдан-очиқ қўлланилар эди. “АН-2” русумли самолётда ҳаводан сепилған бу заҳар пахта далаларида ташқари тинч аҳоли устига, бошқа дов-дараҳт, мева-чева, сабзавот экинларига ҳам сепиб ўтиларди. Табиийки, аҳоли бу маҳсулотларни истеъмол киларди. Агар сурункали бош оғриғи, анемия (камқонлик), йод танқислиги каби касалликлар муайян худудларда кўпайса бу машъум даврлардан “ёдгорлик”дир. Ўша даврларда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларига чегарадош (Наманган) кўшни Қирғизистоннинг Мойлисой дарёси яқинида, шунингдек, Попнинг Чоркесар, Чодак худудларида уран чиқындиларининг кўмилгани, кейинги вактларда ўша ерлардаги аҳоли орасида турли касалликларнинг мавжудлиги, аҳоли миграцияси ҳам янги тадқиқотлар манбаидир. Чунки, уран

радиоактив чикиндисининг түсик билімас хоссага зга эканлиги, қолаверса, ёмғир, сел каби табиат ҳодисалари сабабли күмилгән моддаларнинг усти очилиб бориши шу худудларда экологик муаммони пайдо қилиши аён ҳақиқатдир.

Мавзудан чиқмайлик, АҚШ аскарлари билан рүй берган бу мудхиш воқеа ҳарбий ведомостларда ва ҳукумат томонидан зудлик билан босди-босди қилинди. “AGENT ORANGE”нинг савдосидан тушган даромад эса ГҮМнинг технологиясини ривожлантириш ишларига йұналғырылған. Күп “эсини таниған” давлатларда, хусусан, үzlарида ҳозирча пештахталарига ГҮМ оқимининг кириб келишига қаршилик қылмокдалар. Бу эса АҚШда ГҮМ етиштираётган “жонкуяр” фирмаларда норозилік үйретмоқда. Ҳар доимгидек ҳүшёр ва зийрак “Яшиллар” партияси борган сари ахолини ГҮМ тажовузидан химоя қылышда фаоллашиб бормоқда. Маргот Вальстром (“Яшиллар” Швеция) АҚШ ГҮМчиларини түғридан-түгри кассобликда айблади: “АҚШнинг таңлаган йўли аввал бошданоқ нотуғри эди. Улар бу ГҮМни бошқа одамларга ҳам зўрлаб тиқиширмоқдалар, аммо Европага бу ёлғонларингизни тиқиширолмайсиз. Ўлайманки, Ер юзидағи очарчилик муаммосини худди шу усул билан ҳал қилинса бўлади, дейдиганлар бу нарса ҳақида бош қотириб кўришса ёмон бўлмасди. Ҳаётга реал қарашимиз керак. Бу йўл билан ривожланётган ёки Учинчи дунё мамлакатларидаги муаммо эмас, балки ГҮМ етиштирувчи очофат корпорацияларнинг муаммолари ҳал бўлиши мумкин, холос...”

Хуллас, юкорида айтиб ўтилганидек, нанотехнология, генетик операциялар факат ҳаддан ошиш, холос. Генларнинг керакли комбинациясидан фойдаланиб ўзимиз хоҳлаган рангли, мазали, хидли, шаклли ва бошқа параметрли меваларни олиш мумкин экан. Аммо бундай маҳсулотлар одамлар ва ҳайвонларни бепушт қилиб кўяди. Шундай генлар борки, маълум бир хужайраларни яксон қиласди. Ва яна шу аснода турли касалитикларни келтириб чиқаради, инсонларнинг руҳиятига ва дунёкарапшларига, физиологик жараёнларга таъсир этиши, ҳаттоқи ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Ёш авлодни четдан оқиб келувчи заарарли ахборотлар хуружидан саклайлик деймиз, шу ўринда четдан келувчи бошқа моддий нарсалар ҳақида ҳам билиб кўйишимиз фойдалдан холи эмас.

## ХУЛОСА

Бугун атроф мұхит, экология билан бөглиқ мұаммом бутун дүнё халқарини ташвишіге солиб, мұлоҳаза юритишга, фикрлашға мажбур этмоқда. Инсоният, тараққиёт атроф мұхитта шу даражада озор етказмоқдаки, энді үч олиш навбати табиатта келди. Буни күнгилға ғулғула солиши учун айтмаялмиз. Юзага келған глобал мұаммолар шундан далолат бермоқда. Инсон томонидан табиаттинг үзлаштирилиши, табиат учун хос бўлган қонунлар ва жараёнларнинг бузилиши одамларнинг нафакат соғлиғига, балки уларнинг ер юзида яшашига ҳам хавф тутдира бошлади.

Экологик инқизорни ҳал қилиш учун барча мамлакатлар ҳамкорлик билан иш тутишлари мақсадға мувофиқдир. Бу ҳамкорлик тўла тенг ҳуқуқли, ҳар бир мамлакаттинг суверенитетини ҳурмат қилиш, олинган мажбуриятларни, халқаро ҳуқук меъёрларини вижданан бажариш асосида бўлиши лозим. Биз яшаб турган заминнинг катъий талаби мана шулардан иборат.

Айни дамда экологияни асраш, баркарор ҳаётни барпо килиш ўз қўлимиздадир!

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 29-бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995, 170–171-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватан саждаоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 33-бет.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1993, 138-бет.
6. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи. 2010 йил, 16 ноябрь.
7. Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. – Т.: 1995.
8. БМТ МРМ статистик маълумоти.
9. Печеен А. Человеческие качества. – М.: 1985.
10. Мамашокиров С. Экологик таълим-тарбиянинг методология масалалари. – Т.: 1993.
11. Боянський Ю. Духовная ситуация времени. // Вопросы философии. 1993. №5.
12. Кудряшов В.В. Время ответов. // Интернет журнал “Философские проблемы синергетики”. // <http://spkurdyumov.narod.ru/Philos.htm> 2008. Ноябрь.

## **Мундарижа**

Экология нима? .....	3
Экология – глобал муаммо .....	5
Экологик ҳолатнинг умумий тавсифи .....	7
Экологик масалада бирлашайлик! .....	14
Ўзбекистонда экология соҳаси бўйича қонунчилик ва хуқуқий меъёrlар .....	18
Илмий техника инқолобининг экологияга таъсири .....	21
Экология ва ген муҳандислиги .....	23
Сув – ҳаёт манбаи .....	25
Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера .....	27
Экологиянинг инсон ҳаётига таъсири .....	29
Салафлар илмида табиат манзараси .....	30
Экологиянинг ҳайвонот ва набодот дунёсига таъсири .....	33
Экология масаласидаги келишувлар .....	40
Биосфера ва биоэтика уйғунлиги .....	48
Табиатшунослик ва фалсафа .....	50
Экологик маданият ва биоэтика .....	52
Табиат – борлиқнинг ажралмас қисми .....	53
Глобал муаммолар: Ўзбекистонда табиат, жамият ва инсонни асрар .....	55
Экология ва барқарор ривожланиш концепцияси .....	69
Ер шари ҳавф остида .....	71
Бехосият жойлар ёхуд экологик инқироз .....	76
Экология – саломатлик гарови .....	79
Генетик ўзгартирилган мавжудотлар таҳдиidi .....	85
Хулоса .....	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	90

50000

Басандабону Жалилова, Шукур Жабборов

## ЭКОЛОГИЯ: КЕЧА ВА БУГУН

“Сано-стандарт” Тошкент, 2012

Нашр учун масъул *М. Умирова*  
Мухаррир А. Тилавов  
Техник мұхаррир *М. Қосимова*  
Бадий мұхаррир *И. Захидова*

Наш.лиц. № А1 177, 03.01.2011.

Териштә 02.08.2012 йилда берилди. Босишига 05.10.2012 йилда рухсат этилди.  
Бичими: 60x84 <sup>116</sup>. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартлы б.т. 5,75.

Нашр б.т. 4,8. Адади: 350. Буюртма №1308.  
Бахоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нацисті, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: [sano-standart@mail.ru](mailto:sano-standart@mail.ru)

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широк кӯчаси, 100-үй.  
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95